

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯЙИЙ  
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Директор\_\_\_\_\_ И.Тўхтасинов  
“\_\_\_\_\_” 2015 йил**

**“ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ НАЗАРИЙ ВА  
АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: Ж.Зиямуҳамедов**

**Тошкент – 2015**

## **Мундарижа**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	9
1-мавзу. ҚАДИМГИ ШАРҚ ЛИНГВИСТИК АНЬАНАЛАРИ .....	9
2-мавзу. ҚАДИМГИ ҲИНД ТИЛШУНОСЛИГИ .....	11
3-мавзу. АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДУНЁ ЛИНГВИСТИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ .....	12
4-мавзу. АБУЛ ҚОСИМ МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИДАГИ ЎРНИ .....	14
5-мавзу. МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ .....	16
6-мавзу. ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИДА ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	18
7-мавзу: ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДАН .....	21
8-мавзу. ШАРҚ ТИЛЛАРИДА ЯНГИ СЎЗЛАРНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДЛАРИ (хитой тили мисолида) .....	22
9-мавзу. ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ .....	25
10-мавзу. ШАРҚ ВА ҒАРБ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ .....	28
11-мавзу. АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ .....	31
12-мавзу. АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ, ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИЗ ГЛОССАРИЙ .....	44

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тибиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидағи бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъодди авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, хунармандлик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва аввалимбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.<sup>1</sup>

Республикамиз ўз мустақиллигини кўлга киритган кундан бошлаб халқимиз маънавий-маданий бойликларини хар томонлама ўрганиш, уларни келгуси авлодларга тўлиқ етказиш ва хозирги авлодни улардаги ижобий анъаналар асосида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланаб бормоқда.

Узок тарихга эга бўлган ўзбек халқи, унинг юксак маданияти, қадриятлари, бой илмий мероси бутун жаҳоннинг дикқат - эътиборини ўзига жалб этиб келган ва келмоқда. Ибн Сино, Беруний, Улугбек, Мухаммад ал-Хоразмий, Махмуд Замахшарий каби буюк аждодларимизнинг номлари ва яратган асарлари машҳур бўлиб, уларнинг ижодлари жаҳон маданияти хазинасига қўшилган бебаҳо бойлик бўлиб хисобланади. Давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукаммал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхронтаржимонларни етишириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу дастурда тингловчилар Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалаларини ўрганадилар. Ўзбек шарқшунослигининг ҳозирги йўналишлари, ўзбек шарқшуносларининг филологик асарлари, шарқ тилларини ўргатишдаги ютуқ ва камчиликлар, шарқ тилшунослигининг асосий ўзига хос хусусиятлари, шарқ адабиётлари ва уларни ўрганиш ҳақида билимларга эга бўладилар.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари” модулининг мақсади:** шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалаларини чукур ўрганиш ва таҳдил этиш, шарқшуносликнинг обьектини тадқиқ этиш, шарқ манбалари, тиллари, тарихи ва шарқ мамлакатлари адабиётларини ўрганиш асосида тўпланган билимларни мутахассислик фанларинини ўқитишда тадбиқ этишга ўргатиш.

**“Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари” модулининг вазифалари:**

- ўзбек шарқшунослиги ва унинг тарихий илдизлари ҳақида ахборот бериш;
- шарқ филологияси йўналишларини: шарқ қўлэзма манбаларини, тилларини ва адабиётини ўрганиш;
- шарқ филологиясига доир лингвистика ва адабиётшунослик соҳасига оид масалаларни таҳдил этишга ўргатиш;
- модуль жараёнида эгалланган билимларни шарқ тилларини ўқитиш жараёнида қўллаш қўнимаси ва малакасини шакллантириш.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” маросимидағи нутки. Самарқанд. 16.05.2014

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва**

**компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

### **Тингловчи:**

- “шарқшунослик”, “шарқ тиллари”, “шарқ манбалари”, “шарқ адабиёти” ва “шарқ халқлари тарихи” тушунчалари;
- шарқ филологияси масалаларини ўрганишда шарқ фалсафаси, шарқ халқлари тарихи ва шарқ мамлакатлари иқтисодининг ўзаро алоқаси;
- ўзбек шарқшунослигининг ҳозирги йўналишлари;
- ўзбек шарқшуносларининг филологик асарлари;
- шарқ тилларини ўргатишдаги ютуқ ва камчиликлар;
- шарқ тилшунослигининг асосий ўзига хос хусусиятлари;
- шарқ адабиётлари ва уларни ўрганиш ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

### **Тингловчи:**

- ўз касбий фаолият соҳаларида шарқ филологиясининг ўзига хос жиҳатларини англаши ва амалда қўллаш;
- шарқ тилларини ўқитишида тил хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос усусларини танлаш;
- Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда туғиладиган қийинчилик ва тўсиқларни таҳдил қилиш;
- шарқшуносликни фан сифатида тадқиқ эта билиш, шарқшунослик ва унинг обьекти ва луғавий маъноларини фарқлаш ва шарқ тилларининг ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни билиш **кўникмаларини эгаллаши**;

### **Тингловчи:**

- турли даврлар ва минтақаларда юзага келган ёзма ёдгорликларнинг тил ва бадиий хусусиятлари ҳақидаги илмий хуносаларни амалиётда қўллаш;
- шарқ тиллари ёзувида компьютерда матнлар териш малакаларига эга бўлиш;
- шарқ тилларини ўқитишининг замонавий методларидан фойдаланиш;
- тилшунослик фанининг предмети ва унинг мақсади;
- шарқ тилларида коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усусларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- шарқ тилларини ўқитишида яратилган электрон ресурслардан унумли фойдаланиш **малакаларини эгаллаши**.

### **Тингловчи:**

- шарқ филологияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларидан амалий мақсадларда фойдаланиш;
- адабий муаммоларни тадқиқ этишида илмий ёндашувни аниқлаш ва асосий тушунчалар, истилоҳлар;
- Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий ва Замахшарийларнинг лисоний қарашлари;
- шарқ илмида тил таснифига оид қарашлар бўйича берилган назарий билимларни амалиётда тўғри қўллаш юзасидан қарорлар қабул қилиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари” курси амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.**

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Шарқ филологиясининг долзарб назарий ва амалий масалалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Миллатлараро мулоқотнинг лингвистик асослари” ва “Таржима услубияти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларда мулоқотнинг лингвистик асослари, таржима қилиш, таржимага ўргатиш бўйича касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хам хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Шарқ филологияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларидан амалий мақсадларда фойдаланиш, адабий муаммоларни тадқиқ этишда илмий ёндашувни аниқлаш ва асосий тушунчалар, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий ва Замахшарийларнинг лисоний қарашлари, шарқ илмида тил ва адабиёт таснифига оид қарашлар бўйича берилган назарий билимларни амалиётда тўғри кўллаш юзасидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ечимини аниқлаш ва баҳолаш, тавсиялар беришга доир касбий компетентликка эга бўладилар

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакилий таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1.	Қадимги шарқ лингвистик мактаблари ва анъаналари: қадимги хинд тилшунослиги, араб тилшунослигининг дунё лингвистикаси тараққиётидаги ўрни	4	4	-	4	-		
2.	Шарқшуносликни фан сифатида тадқиқ этилиши ва шарқ тилларининг ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар. Абул Қосим Махмуд аз-Замахшарийнинг шарқ филологиясидаги ўрни. Махмуд Кошғарийнинг дунё тилшунослиги тараққиётидаги ўрни. Шарқ филологиясида туркий тиллар тарихининг ўрганилиши.	6	6	-	6	-		
3.	Шарқ филологияси масалаларини ўрганиш: тил, адабиёт ва методика. Хитой тилшунослиги тарихи. Шарқ тилларида янги сўзларни тушунтириш методлари (хитой тили мисолида). Жаҳон халқлари адабиётига умумий тавсиф. Шарқ ва Гарб адабий алоқалари.	8	8	-	8			
4.	Ўзбек шарқшунослиги: унинг тарихий илдизлари ва ҳозирги йўналишлари. Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари. Абу Наср Форобийнинг шарқ фалсафаси, тилшунослиги ва адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси. Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Берунийнинг шарқ тилшунослиги ва адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси. Ўзбек шарқшунослигига ҳисса қўшган олимлар.	10	8	-	8	2		
	Жами:	28	26	-	26	2		

## **Амалий машғулотлар мазмуни**

### **1-Мавзу. Қадимги Шарқ лингвистик мактаблари ва анъаналари. (4 соат)**

#### **Режа:**

- 1. Қадимги хинд тилшунослиги.**
- 2. Араб тилшунослигининг дунё лингвистикаси тараққиётидаги ўрни**

Шарқда ҳам тилшунослик: тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; тил ва тафаккур; тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар; тилнинг жамиятдаги ўрни; тилнинг ички тузулиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганган. Қадимги хинд тилшунослиги ҳакида маълумот берувчи энг эски асар “Яски”дир. Хинд тилшунослигининг энг буюк асари “Панини грамматикикаси”дир. Бу филологик асар дунё тилшунослигининг ҳам энг сара тадқиқотларидан саналади. Қадимги Миср тилшунослиги тарихи у қадар кенг ўрганилган эмас. Чунки қадимги Мисрда лингвистика тизим сифатида тугал шаклланиб улгирмаган эди. Бироқ Мисрда яратилган ёзма ёдгорли кларда тилшунослик билан боғлиқ ниҳоятда қизиқарли мулоҳазалар баён қилинган. Мисрдаги лисоний тафаккур фирда винларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида юзага келган.

### **2-Мавзу. Шарқшуносликни фан сифатида тадқиқ этилиши ва шарқ тилларининг ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар. (6 соат)**

#### **Режа:**

- 1. Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг шарқ филологиясидаги ўрни.**
- 2. Маҳмуд Кошғарийнинг дунё тилшунослиги тараққиётидаги ўрни.**
- 3. Шарқ филологиясида туркий тиллар тарихининг ўрганилиши.**

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий Мусулмон шарқида “Устод ул-араб вал ажам” (Араблар ва ғайри араблар устози), “Фаҳру Хваразм” (Хоразм фаҳри) каби шарафли номлар билан машҳур бўлган ўрта Осиёлик алломалардан яна бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир (1075-1143). Араб тили грамматикасига оид Ал-Муфассал 1119-1121йилларда Маккада ёзган. Араб лингвистикаси ўлчамлари ва методологиясини туркий тилларни ўрганишга тадбиқ этган олим Маҳмуд Кошғарийдир. “Девону луғатит турк” икки-муқаддима ва луғат бўлимларидан тузилган. Луғат бўлимида 8500 ортикроқ лексик бирлик изоҳланган. Туркий тиллар – агглютинатив тиллар гурухига киради. Туркий тиллар оиласига қуйидаги тиллар киради: турк, озарбайжон, туркман, гагауз, қрим-татар, қорағай, балқор, қўмиқ, нўғой, татар, башқирд, олтой, шор, хакас, тува, ёқут, қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, чуващ, уйғур, қозоқ.

### **3-мавзу. Шарқ филологияси масалаларини ўрганиш: тил, адабиёт ва методика.. (8 соат)**

#### **Режа:**

- 1. Хитой тилшунослиги тарихи.**
- 2. Шарқ тилларида янги сўзларни тушунтириш методлари (хитой тили мисолида).**
- 3. Жаҳон халқлари адабиётига умумий тавсиф.**
- 4. Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари**

Хитой тилшунослиги тарихи икки минг йиллик тарихни ўзида камрайди. У XX юз йилликка қадар бошқа тилшунослик мактабларининг таъсирига учрамасдан мустақил равишда ривожланган. Хитой тилшунослиги хитой тилининг қолипи асосида юзага келган. Шарқ ва Ғарб адабий – маданий алоқалари жуда катта даврни камраб олувчи кўп тармоқли соҳадир. Талай тадқиқотлар битилиб, муҳим муаммолар ёритилган. Шарқ ва Ғарб муносабат ларини даврлаштириш: 1) энг қадимги даврлардан эллин маданиятигача бўлган ўрта денгиз атрофидаги халқлар маданий алоқалари; 2) III – VI асрлардаги юнон –

Ўрта Осиё, юнон - Эрон, юнон – Ҳинд алоқалари; 3) VIII – IX асрларда юнон – Араб алоқалари; 4) XI – XII асрларда Испания орқали амалга ошган Шарқ – Ғарб алоқалари; 5) XIV – XVIII асрлардаги алоқалар; 6) XIX аср маданий алоқалари; 7) XX аср Шарқ- Ғарб алоқалари каби. Хар бир давр алоқаларида типологик айниятларни бутун яхлитлиги билан очиб бериш каби муҳимдан – муҳим вазифалар ҳам ҳали олдинда турибди. X – XI асрлар фан соҳасидаги эмас, бадиий ижодда ҳам юксалиш даври бўлган.

#### **4-мавзу. Ўзбек шарқшунослиги: унинг тарихий илдизлари ва хозирги йўналишлари. (8 соат)**

**Режа:**

1. Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари.
2. Абу Наср Форобийнинг шарқ фалсафаси, тилшунослиги ва адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси.
3. Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг шарқ тилшунослиги ва адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси.
4. Ўзбек шарқшунослигига ҳисса қўшган олимлар.

Ўрта аср туркий тилшуносликнинг буюк чўққиси сифатида Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари тан олинади. У 1499 йилда ёзилган. Навоий туркий тилнинг ўзига хос морфологик ҳусусиятларига ҳам эътибор қаратди. Абу Наср Форобий тил, тилшунослик, адабиёт ва адабиётшунослик, поетика ва риторикага тегишли бир қанча асарлар ижод этган. Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг 152 та асарлари бор. Ағсуски, бизгача фақат 50 тасигана этиб келган. Бироқ Берунийнинг шу кунгача фанга маълум бўлган асарларининг ҳаммаси ҳам нашр этилган ва тўлиқ ўрганилган эмас. Абу Райхон Берунийнинг “Сайдана” номли асарида лисоний қарашларнинг берилиши.

#### **Мустақил таълим**

##### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни ҳусусиятларини ҳисобга олган холда куйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- мутахассислиги бўйича тил ва адабиёт соҳасидаги муаммоли вазиятларни модул асосида тахлил қилиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

##### **1. Раҳбарий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. - 22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.

6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.
8. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.
9. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.
12. Ислом Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва муғафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” маросимидағи нутқи. Самарқанд. 16.05.2014

## **2. Меъёрий- хуқуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-1426-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти ПФ-4456-сон Фармони.

## **3. Махсус адабиётлар.**

1. Йўлдошев Б. Умумий тилшунослик асослари. С., 2005.
2. Абдухамид Нурмомнов “Ўзбек тилшунослиги тарихи”. Тошкент “Ўзбекистон” 2002.
3. Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. Т., 1971.
4. Ибн Сино. Фонетика ҳақида рисола. Т., 1979.
5. Ўринбоев Б. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Самарқанд, 1999.
6. Ҳ.Неъматов. XI асрдаги туркий тилларнинг Махмуд Кошғарий томонидан қилинган таснифи. ўзбек тили ва адабиёти. ж. 1969. №4.
7. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. - М.: Языки русской культуры, 1999. - 896 с.
8. Коллектив. История всемирной литературы. В 9-х томах. Том 1. М., 1982.
9. Булыгина Т.В. Шмелев А.Д. Языковая концептуализация (на материале русской грамматики). - М.: Языки русской культуры, 1997.-576 с.
10. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. - М.: Наука, 1990.
11. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. -208с.
12. Малявин М.А. Китайская цивилизация–Москва: Издательство Муравей, 2000.

## **4. Интернет маълумотлари**

<http://uz.m.wiki / Sharqshunoslik>  
<http://ziyouz/uz/component>  
<http://kh-davron.uz/tag>  
[www.e-tarix.uz/shaxslar](http://www.e-tarix.uz/shaxslar)  
<http://svitoc.ru/topic>

## МАРГУЗАЛАР МАТНИ

### 1-мавзу. ҚАДИМГИ ШАРҚ ЛИНГВИСТИК АНЪАНАЛАРИ.

#### Режа:

1. Қадимги шарқда тилшунослик түшүнчеси.
2. Қадимги Миср лингвистикасининг юзага келишига асос бўлган омиллар.
3. Миср иероглифли ёзуви ва тилшунослик.
4. Мисрдаги дастлабки ономастик луғатлар.

**Калит сўзлар:** Миср иероглифли ёзуви. Мемфис фалсафий-илоҳий трактати. Ономастик луғатлар. Иероглифлар луғати. Рамессей ономастикони. Бобил филологияси. Ура ва Иссин сулолалари.

Шарқда ҳам тилшунослик: тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; тил ва тафаккур; тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар; тилнинг жамиятдаги ўрни; тилнинг ички тузулиш усуллари ва шу каби масалаларни ўргангандай. Тил ҳақида олимларнинг эътирофлари: “Тил -тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуудир” (Ф. Де Сосејор). “Тил-одам онгининг иштирокисиз унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик харакатидир” (Л. Блумфилд). Тилшунослик фанининг қадимги энг муҳим манбалари, асосан, икки хил худудда, икки хил маданият ўчогида юзага келди. Булар қадимги Ҳиндистон, қадимги Гретсия ва Римдир. Шунинг учун тилшуносликнинг қадимги даври қадимги хинд, қадимги грек (қисман, лотин) филологиясини камраб олади.

Ўрта ва янги асрларда эса тил ҳақидағи фан Оврупода, Арабистон ва Ўрта Осиёда тараққий қилди. Инсон тилининг структурасига, тарихий тараққиётiga ва функсиясига хос бўлган қонуниятларни умумлаштирувчи назарий фандир.

Назарий фан сифатида у хусусий тилшуносликда илмий тадқиқот усулларининг методологиясини белгилаб беради. Демак, тилшунослик фани фалсафа билан ҳам боғланган. Тилнинг табиати ва тарихи ҳақидағи умумлаштирмалар ҳам, тилшунослик тарихи ҳақидағи умумлаштирмалар ҳам бирон - бир фалсафий мактаб ёки оқимга таалукли бўлади ва унга суюнади. Шунинг учун бу фан ижтимоий фанлар сингари маълум синфга хизмат қиласидиган фандир.

Қадимги Миср тилшунослиги тарихи у қадар кенг ўрганилган эмас. Чунки қадимги Мисрда лингвистика тизим сифатида тугал шаклланиб улгирмаган эди. Бирок Мисрда яратилган ёзма ёдгорликларда тилшунослик билан боғлиқ ниҳоятда қизиқарли мулоҳазалар баён қилинган. Мисрдаги лисоний тафаккур фиръевинларнинг устунлигини таъминлаш максадида юзага келган. Хусусан, эрамиздан бурунги III мингйилликда яратилган “Мемфис фалсафий-диний трактати”да тилнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ айрим фикрлар берилган. Унда қайд этилишича, Мисрнинг янги пойтахти Мемфис шаҳрининг бош худоси Птахнинг устунлигини тасдиқлаш учун тил яратилган. Птах дунёдаги барча нарсаларни яратиб, якунда тилни яратгандан сўнгина ўзида қониқиши ҳосил қилган. Шу боис, тилга нисбатан худоларга тегишли ҳодиса сифатида қаралган. Миср тарихида ёзувнинг ижодкори ва ҳомийси сифатида ой ва ақл худоси Тот тан олинган. Мисрликлар ўзак ва морфема масалаларида, шунингдек, товушларни унли ва ундошларга ажратишда анчайин олдин кетишган. Буни уларнинг консонантли иероглифли ёзувидан ҳам билиш мумкин.

Қадимги Миср дунё тилшунослиги тарихида дастлабки ономастик луғатларнинг ватани сифатида ўрин эгаллайди. Эрамиздан бурунги I мингйилликларда ёзилган “Иероглифлар луғати”, “Рамессей ономастикони” каби луғатлар ана шундай филологик асарлар сирасидандир.

Эрамиздан бурунги III – I мингйилликларда тилшунослик фан сифатида Бобилда юзага келган. Бу ерда эрамиздан олдинги III мингйилликда мактаб таълимини юзага

келиши лингвистикани пайдо бўлишига замин яратди. Мактаб тизимида тўғри ёзишга бўлган эҳтиёжлар бу ерда дунё тилшунослиги тарихидаги илк орфографик луғатларнинг яратилишига олиб келган.

Эрамиздан бурунги III мингийилликларда Олд Осиё ва Ер ўрта денгзи бўйларида яшаган халқларда тилшунослик тасаввурлари юқори даражада бўлган. Бу заминда яратилган кўплаб ёзув системалари бунга шоҳидлик беради. Бу борада финикияликлар анча олдинга кетишган эди. Бугунги ривожланган ёзув тизимлари ана шу финикияликлар яратган ёзувларнинг юксалган кўринишидир. Финикияликлар тилшуносликда, айниқса морфология соҳаларида илдамлаб кетишган. Улар ўн икки сўз туркумларини фарқлашаган.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Қадимди Мисрда тилшунослик қачондан бошлаб пайдо бо ўла бошлади?
2. Миср ёзуви ҳақида гапириб беринг.
3. Дунё тилшунослиги тарихида Миср тилшунослигининг ўрни.

#### **Адабиётлар:**

- *Дирингер Д.* Алфавит. М., 1963
- *Дьяконов И. М.* Языки древней Передней Азии. М., 1966.
- *Иванов В. В.* Хеттский язык. М., 1963.
- *Корстовцев М. А.* Писцы древнего Египта. М. 1962.
- *Петровская В. И.* Древнеегипетский толковник письменных знаков и «Иероглифика» Гораполлона. - Ассириология и египтология. Л., 1964. С., 105-115.
- *Шифман И. Ш.* Финикийский язык. М., 1963.

## 2-мавзу. ҚАДИМГИ ХИНД ТИЛШУНОСЛИГИ

### Режа:

1. Қадимги Ҳиндистонда тилшунослик фанининг юзага келишига сабаб бўлган эҳтиёжлар.
2. Ведалар ва тилшунослик.
3. Панини грамматикаси дунё тилшунослиги тарихидаги илк назарий грамматика сифатида.
4. Ҳинд тилшунослиги тарихида из қолдирган филологик асарлар.

**Калит сўзлар:** Ведалар. Брахман. Ригведа. Яски. Виакарана. Панини грамматикаси. Сутра. Катьяну. Вааручи. Бхартрихарининг “Вакъяпадийя” асари.

Дунё тилшунослиги тарихида мустақил тилшунослик мактаби сифатида ўз ўрнига эга бўлган мактаблардан бири ҳинд лингвистикасидир. Қадимги хиндуларда тилшунослик диний матнларни жамоага таъсирли етказиш ва уларни тўғри талқин этиш мақсадида юзага келган. Шунингдек, браҳманларни ўқитиш жараёнида тилшуносликдан фан сифатида фойдаланишган. Ҳиндулар сўзнинг таъсир қурдатини яхши билишган.

Қадимги ҳинд тилшунослиги ҳақида маълумот берувчи энг эски асар “Яски”дир. Бу асарда “виакарана” отли бўлим бўлиб, у “таҳлил” маъносини билдиради ва ҳозирги грамматикага тўғри келади. Яскида сўзнинг этимологиясига бағишлиланган бўлим ҳам мавжуд.

Ҳинд тилшунослигининг энг буюк асари “Панини грамматикаси”дир. Бу филологик асар дунё тилшунослигининг ҳам энг сара тадқиқотларидан саналади. У арамиздан олдинги V асрда яратилган бўлиб “Саккиз китоб” номи билан ҳам машҳурдир. Асар муаллифи Панинидир. Асарда тилнинг барча сатҳларини тавсифи келтирилган. Унда фонетика, лексикология, морфология, синтаксис масалалари ниҳоятда илмий равишда ёритиб берилган. “Панини грамматикаси” дунё тилшунослиги тарихида биринчи назарий грамматик асар саналади. Асар сутра – қонун-қоида шаклида битилган бўлиб, унда 4000 ортиқ сутра мавжуд. Панинининг асаридан сўнг ҳинд тилшунослигига кўплаб шарҳлар ва унга эргашиб асарлар яратилди. Улар ичida эрамиздан бурунги III-II асрларда яратилган Катьяну ва Вааручи тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, эрамизнинг В асрида яратилган Бхартрихарининг “Вакъяпадийя” асари тилшунослик тарихи учун муҳим.

Қадимги ҳинд тилшунослиги ҳақида маълумот берувчи энг эски асар “Яски”дир. Бу асарда “виакарана” отли бўлим бўлиб, у “таҳлил” маъносини билдиради ва ҳозирги грамматикага тўғри келади. Яскида сўзнинг этимологиясига бағишлиланган бўлим ҳам мавжуд.

Умуман, ҳинд тилшунослиги илк ўрта асрларда эришган чўққига Европа тилшунослиги XIX юзийлликка келиб, ҳинд тилшунослигининг тажрибаларидан фойдланган ҳолдагина эришли.

### Назорат учун саволлар:

1. Панини грамматикасининг ёзилишига сабаб бо ълган омиллар.
2. Қадимги Ведалар ҳақида нималарни биласиз?
3. Яски асариниг қадимги ҳинд тилшунослигидаги аҳамияти.
4. Қадимги Ҳинд тилшунослигининг дунё тилшунослиги тарихидаги аҳамияти.

### Адабиётлар:

- Аллатов В. М. История лингвистических учений. М., 1998.
- Березин Ф. М. История лингвистических учений. М., 1984.
- История лингвистических учений: Древний мир. Л., 1980.
- Сусов И. П. История языкознания. М., 2006.

### **З-мавзу. АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДУНЁ ЛИНГВИСТИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

#### **Режа:**

1. Европада араб тилшунослиги ютуқлари билан танишув жараёнининг бошланиши.
2. Ўрта аср Европа ўйғониш даври лингвистикаси ва араб тилшунослиги.
3. Араб тилшунослигининг бошқа миллий тилшунослик мактабларига таъсири.
4. Араб тилшунослик мактабининг европа тилшунослиги ривожига қўшган улуши.

**Калит сўзлар:** Араб тили, Абу Асуад ад-Дуали , Европа ва араб тилшунослиги. Басра мактаби. Куфа мактаби. Боғдод мактаби. Вильгельм Постель. Петер Кристен. Ўзак ва флексия. Ф. Бопп. Т.Ерпениус. А.Гигениус. Я. Голиус. С. Де-Саси.

632 йилда Арабистон ярим оролида Халифалик давлати қурилди. Мазкур давлат тез орада қўшни худудларни қўлга киритди. Босиб олинган минтақаларда араб тилининг роли ортиб борди. Араб тилини ўрганиш давлат иши даражасига қўтирилди. Шу боис, ўрта асрларда араб филологияси билан шуғулланиш энг нуфузли машғулотга айланган эди. Араб тилшунослигининг ilk куртаклари халифа Али (656 - 661) даврида боштаган. Ўша кезда араб тилининг илоҳий эканлиги концепцияси илгари сурилди. Араб тилини муҳофоза этиш давлат сиёсатига қўтирилди. Барча ёзма манбаларда араб тилшунослигидаги даслабки тадқиқотни халифа Алиниң бўйруғи билан Абу Асуад ад-Дуали яратган дейилади. Ана шундан сўнг Абу Асуаднинг издошлари Яхё ибн Ямар, Анбаса ибн Маъдан, Абу Амир Иса ибн Умар ас-Сақафийнинг илмий тадқиқотлари юзага кела бошлади. Араб тилшунослигининг Басра мактаби биринчи бўлиб юзага келди. Улар тилни ўрганишда асос сифатида Қуръон тилини олишади. Басраликлар сўз ясашда масдар шаклни асосга олишди. Араб тилшунослигига Басра мактабидан кейин Куфа мактаби пайдо бўлди. Куфа мактаби эса кўпроқ оғзаки шаклга эътибор қаратишган, куфаликлар ўтган замон феълини (файлту) кўрсатишади Кейинчалик, Боғдод тилшунослик мактаби араб тилшунослиги тарихида муҳим роль ўйнай бошлади. Боғдод тилшунослик мактаби куфа ва басра тилшунослик мактабларидан ўз концепциясини ўзлаштиргани учун уни аралаш лингвистик мактаб деб хам аташади.

Араб тилшунослиги кейинги даврларда форс ва туркий тилшуносликнинг тараққиётига самарали таъсир этди. Шунингдек, Европа тилшунослигидаги айrim масалаларнинг ривожига араб лингвистик мактабининг тажрибаси муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Европа Араб тилшунослигини ютуқлари билан бир оз кечроқ таниша борди. Араб тилшунослиги билан биринчи танишган европалик олим Вильгельм Постель (1501-1581)дир. У араб тили билимини чуқурлаштириш учун Истанбулга келади. Бу ерда араб тилшуноси Иззи асарлари билан танишади. Иззи асарларини лотин тилига таржима қилиб нашр этди.

Араб тилшунослиги асарларини европаликларга танитган яна бир олим Петер Кристендир. Ана шундан бошлаб араб лингвистикасининг ютуқлари европаликлар томонидан ўзлаштирила бошланди. Т.Ерпениус, А.Гигениус, Я. Голиус ва С. Де-Саси тадқиқотлари орқали европаликлар араб тилшунослигининг тажрибалари билан янада яқинроқ таниша бордилар. Хусусан, европалик тилшуносалар ишида алоҳида ўрин тутувчи ўзак ва флексия масалалари араб тилшунослиги таъсирида юзага келган. Буни ёркин мисолини қиёсий-тариҳий тилшуносликнинг асосчиларидан бири Ф. Бопп ишларида кузатиш мумкин.

Араб тилшунослигининг лексикография соҳаларида эришган ютуқлари европаликлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Чунончи, сўзларни жойлаштириш

принциплари масалаларини европалик тилчилар араб лингвистларидан олдилар. Араб тилшунослик мактаби форсий, туркий тилшунослик мактабларининг шакллануvida ва тараққиёт босқичига чиқишида муҳим аҳамият қасб этди.

**Назорат учун саволлар:**

1. Араб тилшунослигининг пайдо бўлишуига қандай омиллар таъсир кўрсатди?
2. Араб тилшунослигининг машҳур мактаблари ҳақида нималарни биласиз?
3. Европада араб тилшунослигининг оърганилиш тарихи.

**Адабиётлар:**

- *Березин Ф. М. История лингвистических учений.* М., 1984.
- *Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов.* Спб., 1873.
- *Звегинцев В. А. История арабского языкоznания.* М., 1958.
- История лингвистических учений: Средневековъ Восток. Л., 1981.
- *Сусов И. П. История языкоznания.* М., 2006.

## **4-мавзу. АБУЛ ҚОСИМ МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИДАГИ ЎРНИ**

### **Режа:**

1. Маҳмуд аз - Замахшарийнинг ҳаётидан маълумотлар.
2. Маҳмуд аз - Замахшарийнинг авлодлар учун қолдирган илмий мероси.
3. Маҳмуд аз – Замахшарийнинг тилшуносликка оид асарлари.
4. Ҳозирги кунда Маҳмуд аз – Замахшарийнинг илмей меросига эътибор.

**Калит сўзлар:** “Устод ул-араб ва-л ажам”, “Фахру Хваразм”, “Ал-Муфассал”, “Ал-Кашшоф”, “Ал-Унмузаж”, араб тили грамматикаси, луғатлар.

Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз – Замахшарий мусулмон шарқида “Устод ул-араб ва-л ажам” (Араблар ва ғайри араблар устози), “Фахру Хваразм” (Хоразм фахри) каби шарафли номлар билан машхур бўлган ўрта осиёлик алломалардан яна бири Маҳмуд аз - Замахшарийдир (1075-1143).

Маҳмуд аз - Замахшарий Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дунёга келди. Унинг ёшлиқ йиллари илму фан ва маданият тараққий қилган даврга тўғри келди. Замахшарийлар оиласи диндор, хурматга сазовор зиёли оиласалардан эди. Шунга кўра у дастлабки билимини Замахшарда-ўз ота-онасидан олади, хат-саводли бўлади. Маҳмуд ўз билимини ошириш, илм-фан бобида мукаммал бўлиш мақсадида Хоразмга (Урганчга, сўнгра эса Бухорога) йўл олади. Ушбу шаҳарлардаги мадрасаларда ўзининг маънавий-маърифий савиясини оширади. Билимин янада чуқурлаштириш мақсадида Исфаҳон, Боғдод, Макка, Марв, Нишопур, Шом, Ҳижоз ва Ироқ каби илм-фан, маданият тараққий қилган шаҳарларда бўлади, етук алломалардан, олиму фозиллардан илм-фан сирларини ўрганади, тинимсиз меҳнат қилади, доимий изланишда бўлади. Шунга кўра Маҳмуд аз - Замахшарий ўз замонасининг буюк алломасига, илм-фан ҳомийсига, донги кетган машхур кишиисига айланди.

Буюк аллома авлодлар учун улкан бой илмий мерос қолди. У тилшунослик, луғатшунослик, жўғрофия, адабиёт, аruz, тафсир, ҳадис, фикҳ ва қироат илмига оид 50 дан ортиқ асар яратди, кўплаб шеърлар ёзди.

Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтий Маҳмуд Замахшарий ҳақида шундай дейди: “Худо раҳмат қилғур аз - Замахшарий илму адаб, нахъ ва луғат бобида ўзгаларга мисол (намуна) бўладиган аллома эди”, деса, Миср тарихчиси ибн Тағриберди эса Маҳмуд Замахшарий “шайх, буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган”, дейди.

Араб тили грамматикасига оид Ал-Муфассал 1119-1121йилларда Маккада ёзган.

Асар араб тили нахъву сарфини ўрганишда муҳим дастурий манба сифатида азалдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шуҳрат топган асарлардан хисобланади.

Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан Замахшарийнинг бу асари таниқли араб тилшуноси Сибавайхнинг (у 796 йили вафот этган) араб грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Бу асар ўша даврнинг ўзидаёқ араб халқлари орасида катта эътибор қозонади ва араб тилини мукаммал ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалди. Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда- ким аз – Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унинг беш минг кумуш танга ва бош оёқ сарупо совға инъом қилишни ваъда берган. Маҳмуд Замахшарийнинг “Асос ул-балоға” (Нотиқлик асослари асари асосан луғатшуносликка бағишинланган. Унда араб тилининг фасоҳати ва мукаммалиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан ўринли ва усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат ва балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак керак эди. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувоғик сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган.

Бу асарда адабиёттинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари ва уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган.

Аз-Замахшарий ижодининг гултожи бўлган, илм-фан оламида ғоят кенг танилган “Ал-Кашшоф” асари Қуръони Каримга ёзилган машхур тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийил” (Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очғич) дир. “Ал-Кашшоф” аз-Замахшарийнинг ўзига ҳам ғоят манзур бўлган. Ҳатто у ўз асари ҳақида шундай ёзган эди: “ Чиндан ҳам дунёда тафсирлар бехад кўпдир. Ўлай агар, уларда “Кашшоф” кабиси бўлса. Агар ҳидоят изласанг, “Ал-Кашшоф” ни тақорор ўки. Нодонлик бир касал бўлса, “Ал-Кашшоф” унинг шифосидир”.

Ал-Унмузаж фи-н-нахв араб бўлмаган халқларга араб тилини осонроқ, соддароқ тарзда ўргатиш учун мўлжалланганлиги боис, халқ орасида шухрат топган, кенг тарқалган. Мазкур асар ёрдамида толиби илм араб тилининг асосий қоидаларини тезда ўрганган. Асарда лўнда изоҳлар қоидалар ҳамда уларни мустаҳкамлаш учун мисоллар берилган.

Махмуд Замахшарийнинг юксак педагогик маҳорати ушбу асарда ўз аксини яққол топган. Тажрибали арабшунос, марҳум Абдуҳафиз Абдужабборов “Ал-Унмузаж” асарини 2001 йилда нашрга тайёрлаган. Бу рисоладан ҳозирги кунда талабалар ўкув қўлланма сифатида фойдаланмоқда.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Махмуд аз - Замахшарийнинг ҳаётига оид маълумотларни айтиб беринг.
2. Махмуд аз - Замахшарийнинг қандай филологик асарларини биласиз?
3. Махмуд аз – Замахшарийнинг ”Ал-Унмузаж” асарининг юртимиизда тадқиқ этилиши борасида нималарни биласиз?

### **Адабиётлар:**

- Рустамов А. Махмуд Замахшарий. –Т., 1971.
- Уватов У. Абу-л-Қосим Махмуд аз-Замахшарий // Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 29–34; Хоразмлик буюк аллома // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти, 3-сони, 2004. 4–9-б.; Махмуд аз-Замахшарий – Хоразмлик буюк аллома // Шарқ машъали, 2-сони, 2005. 3–8-б.; Навобиғ ал-қалим. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
- Махмуд аз-Замахшарий. Ал-Унмузаж / Нашрга тайёрловчи, муқаддима ва атамалар шархи муаллифи Абдуҳафиз Абдужабборов. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. 80-б.

## **5-мавзу. МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ ДУНЁ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

**Режа:**

1. Ислом даврида араб тилшунослиги таъсирида юзага келган тилшунослик.
2. Арабшунослик ва туркшунослик.
3. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари ва унинг тузилиши.
4. Туркий филологиянинг ўрта асрлардаги ривожи..

**Калит сўзлар:** Араб тилшунослигининг методлари. Араб лингвистикаси таъсирида юзага келган туркий тилшунослик. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғатит турк”. Қиёсий-тариҳий метод. Илмий туркийшунослик асосчилари.

Туркий тилшуносликнинг кейинги даврлардаги ривожига араб тилшунослигининг таъсири сезиларли бўлди. Араб лингвистикаси ўлчамлари ва методологиясини туркий тилларни ўрганишга тадбиқ этган олим Маҳмуд Кошғарийдир.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари. Туркий тилни ўрганиш бўйича яратилган грамматикаларнинг энг эскиси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асаридир. Асар хижрий 469 иили (мелодий 1076/1077 йилда) ёзиб тугалланган.

Кунимизгача “Девону луғатит турк”нинг битта қўлёзмаси сақланган. У хижрий 664 (мелодий 1266 йилда) котиб Мухаммад ибн Абубақр ибн Абдулфатҳ ас-Савий ад-Дамашқий кўчирган. Унинг ёзишича, мазкур қўлёзма Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли билан битилган нусхасидан кўчирилган.

“Девону луғатит турк” икки - муқаддима ва луғат бўлимларидан тузилган. Муқаддимада китобнинг ёзилиш сабаблари, унинг тузилиши; турклар қўллайдиган ёзув, отларнинг ясалиши, феълларнинг тусланиши, сўз таркиби (морфем тузилиши), китобда эътибор қаратилган грамматик қоидалар, турк уруғларининг таърифи ва уларнинг ерлашув ўрни, турк лаҳжаларидаги фарқлар хусусида сўз юритилади. Луғат бўлимида 8500 ортиқроқ лексик бирлик изоҳланган.

Луғат саккиз бўлимдан иборат:

1. Ҳамзали сўзлар, яъни алиф билан бошланадиган сўзлар бўлими.
2. Солим, яъни алиф, вав, йа ҳарфлари бўлмаган сўзлар бўлими.
3. Музоаф, яъни ундошлари иккиланадиган сўзлар бўлими.
4. Мисол, яъни таркибида алиф, вав, йа бўлган сўзлар бўлими.
5. Завату-с-саласа (уч ҳарфли сўзлар), яъни алиф, вав, йа ҳарфлари қисқа унли сифатида ўқиладиган сўзлар бўлими.
6. Завату-л-арбаъя (тўрт ҳарфли сўзлар), яъни алиф, вав, йа қисқа талаффуз қилинадиган сўзлар бўлими.
7. Фунналилар, яъни таркибида бурун (димоғ) товушлари келган сўзлар бўлими.

8. Ал-жамъ байнас-сакинайи, яъни ҳаракатсиз икки ундошли сўзлар бўлими. Ҳар бир боб исм ва феъллардан иборат икки қисмга ажратилган. Маҳмуд Кошғарий дунё тилшунослиги тарихида қиёсий-тариҳий методни биринчи бўлиб қўллаган тилшунос ва туркий тилшунослик фанининг асосчиси сифатида тан олинади.

Аз-Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” номли филологик асари араб-форс-турк-мўғул тиллари луғати саналади. В.В.Бартолднинг аниқлашича, бу луғатнинг туркий қисми эрамизнинг XII-XIII асрлари адабий туркий тилини акс эттиради. Ал-Андалусий (араб тилшуноси) яратган луғат ва грамматикада қипчок (куман ёки половес) тилининг ўғуз (туркман) тили билан қиёсан элементлари мавжуд. Жамолиддин ибн Муханнанинг “Хилъат ул-лисон ва халибот ул баён” асари ўғуз тилларидан бирининг луғат ва грамматикасини, шунингдек, фонетик

характеристикасининг баён этилганлиги билан ажралиб туради. Жамолиддин ат-Туркийнинг “Булғат ал-муштак” лугати араб-кипчоқ тилларини қиёслаш асосида тузилган.

Мисрда араб филологлари томонидан яратилган асарлар: XV аср грамматик тадқиқоти “Қаванин ал-Кулмия ли-дабт ал-лугат ат-Туркия” (1928-йилда Истамбулда Килисли Рифъат томонидан нашр этилган) ҳамда XV асрнинг филологик асари “Китоб ат-тұхфатуз закия” (1945-йилда Истамбулда Басим Аталай томонидан нашр қилингандыр). Туркийшуносликнинг яна бир тармоғи XVIII ва XIX асрнинг 1-ярмидаги рус ва ғарб тадқиқотчиларининг изланишлари самарасини ўз ичига олади. XVIII асрдан туркий тилларни қиёсий ўрганиш соҳасида Ф.И.Табберт – Страланберг (швед офицери) муҳим ўрининг эга. Илмий туркийшуносликнинг асосчилари - О.Бётлингк ва В.В.Радлов хисобланади. Туркологиядаги 1 қиёсий - тарихий тадқиқот О.Бйтолингкка тегишли бўлиб, унда ёқут тили ва унинг бошқа туркий тиллардаги грамматик қурилиш ва лексика билан солиштирилган тарзда баён қилинганди. Л.Будагов ва Х.Вамбери ҳам туркий тиллар лексикаси бўйича муҳим изланишлар натижаларини ёзиб қолдиришган. Ундан кейинги тадқиқотлар В.В.Радлов ишларининг давоми ва тўлдирилган қўринишлари бўлиб юзага чиқди. Олимнинг “Образцы народной литературы тюркских племён” (т. И-Х, СПБ, 1868-1904), “Опыт словаря тюркских наречий”. (СПБ, 1888-1905) каби асарлари туркий тилшуносликда энг қимматли илмий асарлардир.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Туркий тилшуносликнинг кейинги даврлардаги ривожига араб тилшунослигининг таъсири борасида нималарни биласиз?
2. “Девону лугатит турк” қандай бўлимлардан иборат?
3. “Девону лугатит турк”нинг туркий тилшуносликдаги ахамияти.

#### **Адабиётлар:**

- Кошгариј Маҳмуд. Девону луготит турк И-Ш. Тошкент, 1960-1963.
- Рустамий С. “Девону луготит турк”даги лингвистик атамалар. Тошкент, 2006.
- Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

## **6-мавзу. ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИДА ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАРИХИННИГ ЎРГАНИЛИШИ**

### **Режа:**

1. Туркий тилларни ўрганиш тарихидан.
2. Туркий тиллар оиласи, унинг генеалогик гурухлари ҳакида.
3. Туркий тилларнинг лисоний хусусиятлари

**Калит сўзлар:** Туркий тилларнинг ўрганилиш тариҳидан, илмий туркий шунослик асосчилари, туркий тилларнинг генеологик таснифи, туркий тиллар оиласи, агглютинатив тиллар, туркий тилларнинг фонетик структураси.

Туркий тилларни ўрганиш узоқ даврларга бориб тақалади. Туркий шуносликни XI асрда Маҳмуд Қошғарий бошлаб берди. Ўзининг “Девону лугатит турк” асарида олим (Қомус Истамбулда Ахмад Рифъат томонидан 1915-1917-йиллар (Ш томлик)да нашр қилинган, шунингдек, Сим Аталай (Дивану Лугат-ит-Турк теркүмеси) ва С.Бчоскелманн (Миттелтуркисчер Wortсchatz нач Маҳмуд ал-Касгарис Диван Лугат-ат-Турк) томонидан таржима қилинган) асосан уйғур, хакас, қипчоқ ва ўғуз тиллари материаллари асосида қиёсий-типологик тадқиқотларни юзага чиқарган. Асада қирғиз, қипчоқ, уйғур, тухси, яғмо, чигил, играк, чарук, емак, бошқирд тиллари ва халқлари қариндош дейилади. Булғор ва сувар тилларини бирмунча фарқ қилувчи, ўғуз тилларини эса энг оддий, деб ҳисоблади. Чумул, кай, ябаку, татар, басмил халқлари бошқа тилда гаплашишган. Энг тұғри, яъни абадий тилга энг яқин тил – тухси ва яғмо тиллари бўлган.

Аз-Замахшарийнинг (1143-йилда вафот этган) “Муқаддимат ал-адаб” номли филологик асари араб-форс-турк-мўғул тиллари лугати саналади. В.В.Бартолдинг аниқлашиб, бу лугатнинг туркий қисми эрамизнинг XII-XIII асрлари адабий туркий тилини акс эттиради. Ал-Андалусий (араб тилшуни) яратган лугат ва грамматикада қипчоқ (куман ёки половес) тилининг ўғуз (туркман) тили билан қиёсан элементлари мавжуд. Жамолиддин ибн Мухамнанинг “Хильъат ул-лисон ва халибот ул баён” асари ўғуз тилларидан бирининг лугат ва грамматикасини, шунингдек, фонетик характеристикасининг баён этилганлиги билан ажралиб туради. б ва м, т ва д ундошларининг бошда ф ва н, к ва х ундошларининг бошқа позитсияларда келиш хусусиятлари очиб берилади. Жамолиддин ат-Туркийнинг “Булғат ал-муштак” лугати араб-қипчоқ тилларини қиёслаш асосида тузилган.

Мисрда араб филологлари томонидан яратилган асарлар: XV аср грамматик тадқиқоти ‘Қаванин ал-Кулмия ли-дабт ал-лугат ат-Туркия’ (1928-йилда Истамбулда Килисли Рифъат томонидан нашр этилган) ҳамда XV асрнинг филологик асари ‘Китоб ат-тұхфатуз закия’ (1945-йилда Истамбулда Басим Аталай томонидан нашр қилинган)дир. Туркий шуносликнинг яна бир тармоғи XVIII ва XIX асрнинг 1-ярмидаги рус ва ғарб тадқиқотчиларининг изланишлари самарасини ўз ичига олади. XVIII асрдан туркий тилларни қиёсий ўрганиш соҳасида Ф.И.Табберт – Странберг (швед оғитсери) мухим ўринга эга. У урал-олтой назарияси-урал (фин-угор ва самолд) ва олтой (турк, мўғул ва тунгус-манчжур) тилларининг қариндошлигини аниқлаган. Бу назариянинг тарафдорлари сифатида В. Шотт, М.А.Кастрен, О.Доннер, Г.Винклер, И.Грюнсел, Г.Раматедт, А.Сованео ва бошқалар маълумдирлар.

Илмий туркий шуносликнинг асосчилари - О.Бётлингк ва В.В.Радлов ҳисобланади. Туркологиядаги қиёсий - тарихий тадқиқот О.Бётлингкка тегишли бўлиб, унда ёкут тили ва унинг бошқа туркий тиллардаги грамматик қурилиш ва лексика билан солиширилган тарзда баён қилинган. Л.Будагов ва Х.Вамбери ҳам туркий тиллар лексикаси бўйича мухим изланишлар натижаларини ёзиб қолдиришган. В.В.Радлов туркий тилларини қиёсан ўрганиш бўйича энг мукаммал ва асосли ишлар яратганки, ундан кейинги тадқиқотлар В.В.Радлов ишларининг давоми ва тўлдирилган кўринишлари бўлиб юзага чиқди. Олимнинг “Образцы народной литературы тюрksких племён” (т. И-Х, СПБ, 1868-

1904), “Опыт словаря тюркских наречий”. (СПБ, 1888-1905) каби асарлари туркий тилшунослиқда энг қимматли илмий асарлардир. Н.Ф.Катанова “Опыт исследования уръянхайского языка с указанием главнейших родственных отношений его к другим языкам тюркского корня” (Казань, 1903) номли тадқиқоти ҳам фанда улкан шуҳрат қозонди. Хуллас, туркий тилларини ўрганиш бўйича қисқача шарҳ шулардан иборат бўлиб, туркий тиллар, туркий ҳалқлар ва уларнинг маданияти кабилар олимларни қизиқтириб келганлигини далиллайди.

Туркий тиллар – олтой оиласига кирувчи ҳамда генетик ва типологик белгилари билан умумлашадиган қариндош тиллар ҳисобланади. Туркий тилларни генеалогик жиҳатдан таснифлаш бўйича И.Н.Бердин, Н.И.Илминский, В.В.Радлов, Н.А.Аристов, Н.Ф. Катанов, Ф.Е.Корш, А.Н.Самайлович каби олимлар изланишлар олиб боришган. Шулардан А.Н.Самайловичнинг таснифи кенг тарқалган бўлиб, туркий тилларнинг барчаси б асосий гурухга ажратилади:1. Р-гурух, булғор ёкичуваш:

1) тахар; 2) ура; 3) пул; 4) таў//ту; 5) сари; 6) қалан//ёлна; бу гурухга замонавийчуваш ва қадимги булғор тиллари киради. 2. Д-гурух, уйғурча ёки шимолий-шарқий: 1) тоқуз; 2) адак//азак; 3) пол; 4) тағ; 5) сариф; 6) қалған; бу гурухга 3 кичик гурухлар киради: а) б-гурухи: Ўрхун-Енасой ёдгорликлари қадимги тили, қадимги уйғур ва замонавий карагас, салар ва тува тиллари; б) з-гурух: сарик уйғурлар, илор ва хакаслар тили; в) т-гурух: ёқут тили. 3. Таў - гурух, қипчоқ ёки шимоли - ғарбий: 1) тоғуз; 2) аяқ; 3) бол//бул; 4) таў; 5) сари; 6) қалған. Бунга:

а) мўғулларгача: олтой тили, қирғиз, қумик, корачой-болқор, қараим, татар, бошқирд; б) мўғуллардан сўнг: қозоқча ва нўғайча киради. 4. Тағлиқ – гурух, чигатой ёки жанубий – шарқий: 1) тоқуз; 2) аяқ; 3) бол; 4) тағ; 5) сарик; 6) қалған. Бунга қадим чигатой, Хитой Туркистони аҳолиси тили, ўзбек тили ва қора татарлар тили киради. 5. Тағли – гурух, қипчоқ – туркман:1) доқуз; 2) аяқ; 3) бол; 4)тағ; 5) сари; 6) қалған. Буларга хоразм ўзбекларининг шеваси ҳам киради.

6.Ол- гурух, туркманча ёки жанубий – ғарбий: 1) доқуз; 2) аяқ; 3) ол; 4) дағ; 5) сари; 6) қалан. Туркман, озарбайжон ва турк тили, гагаузлар тили ҳам киради.

Туркий тиллар оиласига 30 га яқин тил киради. Бу тилларда сўзлашувчи ҳалқлар Осиё, Европа, Америка ва Австралияда истиқомат қиласидилар. Бу тилларда сўзлашувчи-ларнинг аксарияти Осиё қитъасида яшайди.

Туркий тиллар оиласига қўйидаги тиллар киради: турк, озарбайжон, туркман, гагауз, қrim-татар, қорағай, балқор, қўмиқ, нўғой, татар, башқирд, олтой, шор, хакас, тува, ёқут, қирғиз, ўзбек, қарақалпок, чуващ, уйғур, қозоқ.

Туркий тиллар қўйидагилардан иборат:1. Булғор тиллари гурухи: ҳозирги чуваши тили ва қадимги булғор ва ҳазар тиллари.2. Ўғуз тиллари гурухи: а) туркман тили – Туркманистон; б) туркман тили – Шимолий Кавказ ва Ставропол ўлкасида яшовчи туркманларнинг тили; в) ўғуз – булғор тилларига гагауз ва балқон турклари тиллари киради; г) озарбайжон ва турк тиллари.3. Қипчоқ тиллари гурухи:

а) қарай тили. Бу тилда Литва, Украина нинг жанубида ва Кримда истиқомат қилувчи қарай элати сўзлашади; б) қўмиқ тилида Догистон Автоном республикасида истиқомат қилувчи қўмиқлар сўзлашади; в) қорағой – балқар тилида Кавказда яшовчи қорағой ва балқор элатлари сўзлашади; г) қrim - татар тилида қrim, беларус, литва татарлари сўзлашадилар; д) татар тили, бошқирд тили; ж) нўғой тили;

з) қарақалпок тили; и) қозоқ тили.4. Ўзбек ва уйғур тиллари гурухи. Ўзбек тили ўзбек ҳалқининг миллий адабий тили бўлиб, бир-биридан фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари билан фарқланиб турадиган шевалардан ташкил топган. Уйғур тили Ўрта Осиё, Қозогистон ва Хитой Ҳалқ республикасининг Синсян – Уйғур республикасида яшовчи уйғур ҳалқининг тилидир.5. Ўғиз тиллари гурухи:

а) Тува тили. Тува ва Монголия Ҳалқ республикаси территориясида яшовчи тува ҳалқининг тилидир; б) тоғалар (ёки қарагас) тили Красноярск ўлкасида яшовчи элат тили.6. Ёқутистонда яшовчи ёқутларнинг тилидир.7. Хакас тиллари гурухи:

хакас тили, шор тили, чўлим тили (чўлим татарлари тили), олтой тилининг шимолий шевалари.

Туркий тиллар – агглютинатив тиллар гурухига киради. Туркий тиллардаги аффикслар бир маънолидир – сўз таркибида иштироқ этаётган ҳар бир қўшимча фақат бир маънони англатган ҳолда бирин – кетин ёпишиб кетаверади. Масалан, ўзбек тилида ўқитувчиларга сўзида ўқи - ўзак, т-орттирма нисбат қошимчаси, ув-ҳаракат номи қўшимчаси, чи-шахс оти ясовчи аффикс, лар-қўплик, га-жўналиш маъносони ифодалайди; венгр тилида ҳаз-ўй, ҳазфа-ўйда, ҳазак-ўйлар, ҳазакба-ўйларда. Кўринадики, туркий тиллардаги қўшимчалар ўзакка механик равища қўшилаверади, лекин оўзак билан бирикиб, сингиб кетмайди, ўзакдан ажралиб туради.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Туркий тиллар қачондан бошлаб тадқиқ этила бошланди?
2. Туркий тилларни генеалогик жиҳатдан таснифлаган олимлар ишлари хақида гапириб беринг.
3. Қайси тиллар туркей тиллар оиласига киради?

#### **Адабиётлар:**

- Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Восточная Литература. РАН, 2002 -755 б.
- История лингвистических учений. Средневековый Восток. – Л., 1981. – С. 93.
- Баскаков Н.А. Введение изучение тюркских языков. М. 1969.
- История лингвистических учений: Средневековъ Восток. Л., 1981.
- Содиқов К. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

## **7-мавзу: ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДАН**

### **Режа:**

1. Хитой тилшунослик анаъналарининг юзага келиши.
2. Қадимги хитой файласуфларининг тил тўғрисидаги қарашлари.
3. Хитой тилшунослигидаги дастлабки луғатлар ва уларнинг тузилиши.
4. Хитой тилшунослигига сўзнинг товуш қурилиши ҳақидаги кўз қарашлар.
5. Хитой лингвистикасининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг бошқа тилшунослик мактабларига таъсири.

**Калит сўзлар:** Иероглиф. Сюнъгу. Графемика. Фонология. Конфуций. Ши Чжоу пянь. Эр я. Орфографик луғат. Џзи цзю пянь. Фан янъ. Шевалар луғати. Шо вэнь.

Хитой тилшунослиги тарихи икки минг йиллик тарихни ўзида қамрайди. У XIX юзийилликка қадар бошқа тилшунослик мактабларининг таъсирига учрамасдан мустақил равишда ривожланган. Хитой тилшунослиги хитой тилининг қолипи асосида юзага келган. Хитой тилшунослигига филологиянинг уч тармоғи яхши ривожланган эди. Булар: Сўзнинг талқини билан шуғулланувчи *сюнъгу*, иероглифнинг этимологияси, тузилиши билан шуғулланувчи *графемика* ва сўзнинг талаффузини ўрганувчи *фонология* соҳаларидир.

Тилшуносликнинг муҳим йўналишларидан бири грамматика хитой тилшунослигига XIX асрнинг бошларида юзага келган.

Эрамиздан бурунги В - III асрларда Хитой классик фалсафасининг ривожланган кезларида Конфуций тил фалсафаси хусусида қимматли фикрлар айтган.

Хитой лингвистикаси тарихидаги энг эски луғат “Ши Чжоу пянь” дир. Бу аср иероглифни тўғри ёзилиши яъни саводхонликка ўргатиш учун тузилган.

Хитой тилшунослиги тарихида илк изоҳли луғат “Эр я” деб юритилади. Асада сўзлар мавзуи гурухларга ажратиб берилган. Изоҳли луғатлар қаторида эрамиздан бурунги И асрда яратилган “Џзи цзю пянь” асарини ҳам қайд этиш мумкин.

Дунё тилшунослигига дастлабки диалектологик луғат хитой тилшунослигининг маҳсулидир. Эрамиздан бурунги 53 йилда яратилган “Фан янъ” луғатида Хитойнинг турли минтақаларида кўлланилган сўзлар жамланган.

Хитой лексикографиясининг энг буюк асари “Шо вэнь”дир. Асада хитой тилидаги иероглифлар 540 гурухга ажратиб берилади.

Хитой тилшунослиги анаъналари кейинчали корейс ва япон тилшунослик мактабини оёққа туришига асос бўлиб хизмат қилган.

### **Назорат учун саволлар**

1. Фан ян деганда нималарни тушунасиз?
2. Хитой тилида транскрипция маъноси қандай изоҳланади?
3. Хитой тилининг ривожида эр янинг тутган ўрни.

### **Адабиётлар:**

- Амирова Т.А., Ольховиков Б. А., Рождественский Ю. В. Очерки по истории лингвистики. М., 1998.
- История лингвистических учений: Древний мир. Л., 1980.
- Конрад Н. И. О национальной традиции в китайском языкоznании. - Вопросы языкоznания. 1959, №6. с., 18-27.
- Сусов И. П. История языкоznания. М., 2006. Кочергин И.В. Очерки лингводидактики китайского языка.- М.: Восток Запад, 2006.- 190 б.

## **8-мавзу. ШАРҚ ТИЛЛАРИДА ЯНГИ СЎЗЛАРНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДЛАРИ (хитой тили мисолида)**

### **Режа:**

1. Шарқ тилларини ўқитищдаги ўзига хосликлар.
2. Шарқ тилларида янги сўз тушунтириш методлари.
3. Хитой тилидаги методлардан фойдаланиш афзаллиги.

**Калит сўзлар:** Шарқ тиллари, янги лексика, доска ва бўр, Таржима қилиш методи, таққослаш методи, карточкалар ёрдамида тушунтириш методи харакат билан кўрсатиб бериш методи.

Шарқ тилларини ўқитищдаги тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, Шарқ тиллари дарсларида янги сўзларни пухта ўзлаштириб олган талаба дарснинг етмиш фоиз материалини яхши билиб олади. Шарқ тилларидан дарс берувчи мутахассисларга яхши маълумки, бу тиллардаги грамматик категориялар, замон турлари бошқа чет тилларига, масалан, ғарб тилларига нисбатан мураккаб эмас. Албатта, ҳозир шарқ тилларини ўқитищда ҳеч қандай муаммо йўқ. Касбдошларимизга дарсда қўллаш учун дарслик танлови жуда кўп ва хилма-хил. Мазкур дарсликлар орасида мамлакатимизда нашрдан чиққан дарсликларни кўрсатишими из мумкин.

Биз бежиз дарсликлар ҳакида тўхталмадик. Зеро ҳар бир дарсни мазмунли ташкил этиш дарсликни тўғри танлашга ҳам боғлиқ. Муқим бир дарсликсиз, дарс ўтаётган ўқитувчи ва талабада қайсиdir маънода “халоват” бўлмайди. Дарсда тизим ва сифат бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирда фанлар учун, айниқса чет тили фанлари учун ўзбек тилида дарслик яратиш масаласи муҳим ва долзарб масаладир.

Мавзуга қайтадиган бўлсақ, ҳар бир дарслиқда янги сўзлар баёнига алоҳида саҳифалар ажратилади. Албатта, ҳар бир дарслиқда бунга ўзгача, алоҳида ёндашувни сезамиз. Янги сўзлар иштирокида сўз бирикмалари беришдан кўра, янги сўзлар билан гаплар бериш дарс бериш тажрибамиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсақ, анчагина фойдалироқ эканлигини гувоҳи бўлдик. Зеро сўз бирикмасида эмас, гап таркибида янги сўзларни ўрганиш, кўриш ва билиш ўқувчига қулайроқ ва осонроқ. Янги сўзларни тушунтириш дарснинг муҳим босқичи экан, дарсда янги сўзларни тушунтирища куйидаги хитой тилидаги методлар мисолида кўриб чиқсан:

1. **真數去掉** Таржима қилиш орқали янги сўзларни тушунтириш методи. Бу энг кенг тарқалган, қарийб ҳар бир ўқитувчи қўллайдиган метод бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи учун жуда қулай. Янги сўз осон ўзлаштирилади. Қўшимча кучни, яъни хотирани ошиқча ишлатишни, мулоҳаза қилишни талаб қилмайди. Бу методда сўз ва унинг она тилидаги таржимаси берилади. Мазкур методни ҳар қайси сўз туркумiga оид сўзларни тушунтирища қўллаш мумкин. Масалан: 苹果pingguo- олма, аппле, яблоко. Мисолда берган сўзниг таржимасини бир неча тилларда ёки она тили (ўзбек) ва инглиз тилида ҳам берилиши айни мақсадга мувофиқ бўлади.

2. **比較联系去** Таққослаш орқали тушунтириш методи. Бу метод асосан феъл, равищ, олмош сўз туркумларига хос янги сўзларни тушунтирища жуда қулай. Таққослаш орқали тушунтирилса мазкур сўз туркумiga оид янги сўзларни ўрни ҳакида ўқувчида яхши тушунча ва тасаввур ҳосил бўлади. Шу билан бирга ўқувчига ҳам қизиқ, ҳам осон бўлади. Дейлик “**是**ши” феълини инглиз тилидаги “**то бе**” билан таққослаш орқали тушунтирилади. Ҳозирда инглиз тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётганини эътиборга оладиган бўлсақ, бу метод жуда долзарб ва аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, “**是**” феълининг хитой тилида қўлланилиши бирмунча осонлиги, инглиз тилидаги “**то бе**” нинг “**ис, wac, are**” шакллари хитой тилида биргина “**是**” билан берилиши ўқувчиларга таъкидланади. Шунда ўқувчилардаги “**хитой тилини ўрганиш қийин экан**” деган асоссиз ҳавотирни олдини олган бўламиз. Ёки “**能**” ва “**会**” феълларини инглиз тилидаги “**сан**” феъли билан таққослаш орқали мисоллар келтириш ҳам айнан мақсадга мувофиқдир.

3. 语素教学去 Сўздаги ҳар бир морфемани алоҳида тушунтириш методи. Бу метод янги сўзларни хотирада янада мустаҳкам муҳрланиб қолишига ёрдам беради. Ҳар қандай сўз туркумига хос сўзларни бу методни кўллаб тушунтириш мумкин. Бундан ташкари бу метод орқали ўкувчи янада кўпроқ лексик заҳирага эга бўлади. Билими янада ортади. Бу билим нафақат хитой тили соҳасидаги билим, балки Хитой тарихи, этнографияси, географияси, маданияти ва фалсафасига хос билимларга ҳам таалуқли. Биз эса дарсда алоҳида ҳар бир морфемани қўйидаги тарзда тушунтирамиз: “Ҳот сўз турумига хос. Хитойдаги асосий миллатлардан бирининг номи. Хан миллати Хитойнинг қарийб 95%га яқин аҳолисини ташкил қиласди. Бу ном Хитойда эрамиздан аввалги II ва эрамизнинг II асрлари давомида ҳукмронлик қилган ва Хитойда фан, маданият ва иқтисод энг гуркираб яшнаган сулолалардан бирининг номидан олинган. Яъни Ҳимиллатининг номланиши. Уч нуқта сув ва кафт қалитларидан ташкил топган бўлиб, 5 та имло чизиқдан иборат. 语ам от сўз туркумига мансуб бўлиб, ўрганиладиган тил маъносини беради. Зта қалитдан (нутқ беш ва оғиз) ҳамда 9та имло чизиқдан иборат. Ҳар қандай бошқа сўз таркибида шу сўзни (морфемани) кўрсак, демак биламизки, бу сўз у ёки бу тилни ифода этади.” Сўзларни юкоридаги кўринишда тушунтиrsак, аминманки талаба бундай тушунтирилган сўзни асло ёдидан чиқармайди.

4. **图片展示去** Карточкалар ёрдамида тушунтириш методи. Бундай методни асосан от сўз туркумига оид сўзларни тушунтиришда, бошланғич гурухларда қўлласак бирмунча кизиқарлироқ ва мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта ўқувчи эндиғина хитой тилини ўрганишни бошлаган пайт, унда озгина қўрқув ва хаяжон бўлиши табиий. Бундай пайтда уни қизиқтириш ўқитувчининг зиммасидаги мажбуриятдир. Ҳозирда рангли расмлар билан тайёрланган карточкалар хитой тилини ўргатаётган ҳар бир ўкув даргоҳида кўплаб топилади. Шундай экан нима учун улардан унумли фойдаланмаслик керак? Масалан, карточкадаги “**苹果олма**” расмини кўрсатсан, биринчидан ўқитувчига ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам қолмайди. Иккинчидан дарсда она тилини кўшмасдан кўпроқ хитой тилида гапириш имконияти бўлади. Учинчидан **苹果** сўзини ўқувчи ҳам карточкада кўрса, ҳам доскада ўқитувчи коидага мувофиқ (**笔顺** ёзиб берса, бундай янги сўз хотирага мустахкам ўрнашиб қолади).

5. **动作演示法** Ҳаракат билан күрсатиб бериш методи. Бу методдан асосан феъл ёки сифат сўз туркумига оид сўзларни тушунтиrsак айни муддао. Дарсни қизикарли ташкил этишга хизмат қиласи. Интерфаол усуллардан бир нечтасини бу метод билан биргаликда тадбиқ этсак бўлади. Ўқитувчи маҳоратига қўп нарса боғлиқ бўлади. 谈<sup>谈</sup>у<sup>х</sup>бат, 跑<sup>ог</sup>урмоқ, 打<sup>电</sup>话<sup>话</sup> телефон қилмоқ, 坐<sup>у</sup>ти<sup>р</sup>моқ, 看<sup>к</sup>ўрмоқ, ўқимоқ ва ҳоказоларни ўқитувчи ҳаракат билан ёлғиз ўзи ёки ўқувчилар ёрдамида күрсатиши жуда қизик ва муҳим тадбир ҳисобланади. Бундай методларни яна бир яхши томони шундаки, янги сўзлар шу тарзда тушунтирилса, дарсда фаол бўлмаган, энг пассив ўқувчиларни ҳам дарсга жалб қилишимиз ва уларни қизиқтиришимиз мумкин.

Тажрибларимиз ва кузатувларимиз асосида тўплаган қуидаги таклиф, тавсия ва хуласаларимизни айтсан:

1. Янги сўзлар албатта доскада ёзиб кўрсатилиши шарт. Шарқ тиллари дарсларида доска ва бўрнинг ўрни бекиёс. Уларни фан техниканинг энг ривожланган кўринишлари, компьютер, проектор, электрон доскалар билан алмаштириб бўлмайди асло. Билганлар ўқийди. Билмаганларга эса юкорида айтиб ўтилган 5 та методдан бири орқали тушунтириш бошланади.

2. Янги сўзларни аввало ўқитувчи ўқиб бериши шарт. Кейинги босқичда ўқувчилар биргаликда, кейин эса кетма -кет, бирин -кетин ўқийдилар.

3. Янги сўзларни ўқитувчи айтади, талабалар эса мазкур сўзлар билан сўз бирикмалари ясайдилар. Проектор орқали янги сўзлар доскада кўрсатилиса, аввало баъзи тилларда транскрипция билан, кейин эса транскрипцияни олиб ташлаб (махсус дастурда бу холатни қиласа бўлади) ўқиласди. Бу янги сўзларни эслаб қолишини кучайтиради.

4. Гаплар ёзилади. Унда учраган янги сўзлар ажратиб олинади. Ўқувчилар ўзлари бу сўзларни таҳлил қиласидар. Сўзларни жойлашув ўрнига қараб қайси сўз туркумига хос эканлиги аниқлайдилар.

5. Дарсда ўқитувчи томонидан янги сўзларнинг синоним ва антонимларини топиш, уларни калитларга ажратиш, уларнинг таркибидаги имло чизиклар сонини санаш тавсия қилинади.

6. Янги сўзлар иштирокида гаплар тузиш вазифаси қўйилади. Тузилган гапларни бошқа ўқувчига таржима қилдириш, хатоси бўлса, аввал ўқувчилардан хатоларни тузатишни сўраш ва охирида ўқитувчидан хулоса қилиш тавсия этилади.

Хулоса қиласақ, бундай тавсия ва методлар жуда кўп. Лекин ўқитувчи булар ичида ўз гурӯхи талабалари савиасига мосини танлаши ва дарсларда улардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга одатланмоғи керак.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ҳар бир тингловчи оъзи дарс берәётган шарқ тилидаги мавзулардан бирини тушунтиришда қулай методни баён этиб бериши керак.
2. Шарқ тилларида янги сўз тушунтириш методларидан қайси бирини биласиз?

#### **Адабиётлар:**

- Зиямухамедов Ж.Т. Хитой тилини ўқитиш методикаси ва замонавий технологиялар. Т: ТДШИ 2013 (Ўқув кўлланма)
- Ж. Жалолов. Чет тили ўқитиш методикаси. Т, 1996.
- А. Мавлянов, С. Абдалова, Л. Ю. Юсупова, И. Мавлянова “Интерфаол усуулар асосида ўтилган машғулотларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш”. Тошкент, 2009.
- Б.Х. Рахимов, А. Мавлянов, В. Чориев, С. Абдалова, Н.С. Темирова “Педагогик технологиялар схемаларда”. Тошкент, 2009.
- Сысоев П.В. Методика обучения ин. яз. с использованием новых информационно-коммуникативных интернет-технологий: учеб. пособие / П.В. Сысоев, М.Н. Евстигнеев. – М.: Феникс, 2010.
- Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам: Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов / А.Н. Щукин. – М.: Филоматис, 2010.

## **9-мавзу. ЖАХОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ**

### **Режа:**

1. Жаҳон халқлари адабиётининг худудий бўлинишлари.
2. Жаҳон халқлари адабиётининг тараққиёт босқичлари.
3. Гарб ва Шарқ адабиётларининг ўзаро таъсири масаласи.

Адабиёт - сўз санъати. Бу ижтимоий онг формаларидан бири бўлиб, бошқа санъат турларидан ўзининг оммавийлиги, тез таъсир эта олиши, фикрлашга ўта қулай ва теранлиги, узоққа бора олиши, миллий мафкура ва миллий онгни эркин тасвирлай, айта олиши билан фарқланиб туради.

Адабиётнинг асосий қуроли сўздир. Ана шу сўз орқали адабиёт юқоридаги вазифаларни бекаму кўст бажара олади. Сўзни ҳам наққошларча, усталик билан ишлата олгандағина адабиёт бирор бир тимсол яратади, фикр айта олади.

Жаҳон адабиёти ана шундай энг ноёб сўз усталари қаламидан чиқкан бадиий асарларнинг хазинаси ҳисобланиб, бу жараённи таҳлил қилиш ушбу фан зиммасидадир.

Жаҳон халқлари адабиётининг асосий мақсади Ер юзидағи катта-кичик халқ, миллат, элатлардан этишиб чиқиб, юксак талант билан асар яратган адабиёт кишиларининг ижодини таҳлил қилиш, ютуқларини белгилаб бериш, маълум бир худуддаги адабиётлар ўртасидаги муштаракликни аниқлаб, жаҳон адабиётида рўй бераётган умумий ва хусусий ўзгаришларни қайд қилишдир.

Айни вақтда ана шу ўзгаришлар асосида умумадабиётнинг қонун-қоидаларини келтириб чиқаришга, унинг тараққиёт тенденцияларини белгилаб олишга ҳам ёрдам беришдир.

Биз ушбу дарсда жаҳондаги турли халқларнинг адабиёти, санаъти билан танишамиз, улардан этишиб чиқкан ёзувчи, шоир ва драматурглар асарларини таҳлил қилиш билан жаҳон цивилизациясининг тарихи ва тараққиёт босқичлари билан ҳам танишамиз.

Жаҳон халқлари адабиёти фани умумадабиётни ўрганишни маълум бир тизимга солиш учун, аввало, уни худудларга асосланган ҳолда бўлиб чиқади. Бундай худудий бўлиниш қуйидагичадир: 1. Шарқ адабиёти: Хиндихитой халқлари адабиёти. Япон адабиёти. Австралия, Зелландия ва Океания халқлари адабиёти. Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари адабиёти. Кавказ халқлари адабиёти. 2. Гарб адабиёти: Эвропа халқлари адабиёти. Скандинавия халқлари адабиёти. 3. Африка халқлари адабиёти. 4. Араб халқлари адабиёти. 5. Америка халқлари адабиёти.

Ушбу худудий бўлинишлар ўша халқларнинг ўрнашган жойи, этник яқинлиги, ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиёт босқичларидаги ривожнинг яқинлиги билан белгиланади. Бу бўлинишлар ўз навбатида яна кичик-кичик қисмларга бўлинниб борадики, бу масалани кейинги мавзуларда ҳал қилиб борилади. Масалан, Ўрта Осиё ва қозогистон халқлари адабиёти: ўзбек адабиёти, қирғиз адабиёти, қозоқ адабиёти, тожик адабиёти, қорақалпок адабиётидан иборат.

Худудий бўлинишнинг илмий афзалиги шундаки, ҳар бир ўкувчи жаҳон халқлари адабиётини ўрганар экан, турли-туман миллат адабиётини бир-бири билан адаштириб юбормайди, уларни бир-бирига қиёслай олади ва ҳар бир катта худудий адабиётнинг ўзига хос томонларини ўзлаштира олади. Ушбу соҳа ўта кенг, ўрганилиши керак бўладиган адабиётлар кўплиги сабабли жаҳон адабиётини тараққиёт босқичларига ҳам бўлиб чиқишига тўғри келади. Чунки тарихий форматсиялар, тузумлар адабиётга ҳам кучли таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албаттта.

Жаҳон адабиётининг тарихий тараққиёти энг аввало қуйидаги катта даврлардан иборат:

1. Антик адабиёт. Бу давр адабиёти эрамиздан аввалги йиллардан то янги эранинг бошларигача бўлган бадиий асарларни ўз ичига олади. Масалан, қадимги юнон адабиёти.

2. Янги давр адабиёти. Бу давр адабиёти эса эрамизнинг биринчи асиридан бошлаб, то XIII-XV асрларгача бўлган адабий хаётни қамраб олган.

3. Ўрта асрлар адабиёти. Бу давр адабиёти XVII асрдан XIX асрнинг охиригача бўлган даврда яратилган жаҳон адабиёти намуналарини ўзида жамлаган.

4. Замонавий давр адабиёти. Бу адабиёт XX аср бошларидан то шу кунгача бўлган жаҳон халқлари адабиётининг энг яхши намуналарини ўз ичига олади.

Ушбу катта даврлар ҳам ўз навбатида яна янги босқичлардан иборат бўлиб, унда икки хил манзарани кўрамиз: умумжаҳон адабиётига хос тараққиёт босқичлари, алоҳида олинган миллат адабиётининг тараққиёт босқичлари.

Антик давр адабиётининг худуди эрамиздан аввалги минг йилликлардан бошланиб то эра бошига қадар давом этган. Антик давр адабиётининг юксак тараққиётини грек (қадим Юнон) адабиёти ва санъати билан боғлиқ. Чунки давлатнинг қарор топиши, турли урушлар туфайли унинг кенгайиб ва бойиб бориши юон ижтимоий онгига кучли таъсир қилди. Натижада адабиёт, ҳайкалтарошлиқ, рассомлик, музыка, театр каби санъатлар бошқа жойдагига нисбатан бу эрда кучли тараққиёт топди.

Янги давр адабиёти эрамизнинг биринчи юз йилликлардан бошланиб то XV асрга қадар давом этган. Бу даврда энди Шарқ адабиётида ката бир кўтарилиш - Уйғониш даврини кўрамиз. Яъни энг ноёб асарлар “Авесто”, “қутадғу билиг”, “Девону лугатит турк”, “Хиббатул ҳақойик”, Навоий ижоди аншу давр мевасидир. Бу асарлар, талантлар бутун жаҳон адабиётига жуда катта таъсир кўрсатади: унга тасаввур фалсафасини олиб кирди, “инсон адабиётининг энг чуқур ўрганиши керак бўлган предметидир” деган қоидани хам ана шу адабиёт олиб кирди.

Ўрта асрлар адабиёти асосан XVII-XIX асрлар билан (шартли) белгиланиб, бу давр Эвропа адабиётининг ўта тез юксалиши билан белгиланади. Чунки XVI асрлардан бошлаб Эвропада аввал санъат, кейинроқ эса техника тезкорлик билан ривожланди. Эвропа мамлакатлари денгиз йўли билан жуда кўп жойларни мустамлакага айлантирилди. Натижада иқтисодий даромад ижтимоий онг тараққиётига таъсир қилди. Айнан шу даврдан бошлаб Америка адабиёти даврига келиб энди адабиётлар тараққиёт босқичлари маълум бир тартибда, деярли бир хил ривожга тушди. Чунки жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий, техникавий ҳамкорлик улар маданиятини, хусусан, адабиётини хам бир чизиққа олиб келади.

Ҳар бир миллат, халқ, элат жаҳон адабиётига ўзининг энг яхши талантларини беради. Миллий адабиётининг қуввати факат бу халқлар сони билан ўлчамайди. Балки ана шу миллатнинг мафкураси тарихи, миллий онг билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳар қандай катта-кичик миллатнинг жаҳон адабиётида ўз ўрни, улуши, роли бор.

Бизнинг ўзбек (турк) халқи энг қадимдан бошлаб жаҳон халқлари маданиятида жуда катта рол ўйнаб келган, унинг ривожга кучли таъсир кўрсатган. Айниқса, Шарқ Уйғониши Эвропа мамлакатларида аниқ фанларда асос солди, адабиёти ва санъати эса бошқа халқ адабиётига янги тимсоллар, тасвирлар, ғоялар олиб кирди. Бу эса, Президентимиз ҳар доим таъкидлаганлариdek, тарихимиз, мафкурамиз, миллий психологиямиз ўта кучли, намунали миллат эканлигимиз нишонасидир.

Ўзбек адабиёти жаҳон адабиётига энг қадимги даврдан бошлаб шу кунгача куйидаги формаларда янгиликлар бериб келган:

1. Сайёр сюжетлар. Масалан: “Тўмарис” афсонаси, “Лайли ва Мажнун” сюжети.
2. Тасвир услуги. Шарқона романтик тасвир.
3. Образлар системаси. Масалан, булбул, гул тимсоллари.
4. Тасаввуфий бадиийлик ва фалсафий ғоялар.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Жаҳон халқлари адабиёти қандай худудий бўлинишларга эга?
2. Фарб ва Шарқ адабиётларининг о ъзаро таъсири масаласида нималарни айтиб бера оласиз?
3. Тасаввуф адабиёти ҳақида нималарни биласиз?

**Адабиётлар:**

- Азизов К., Каюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Т., 1987.
- Алимухаммедов А. Антик адабиёт тарихи. Т., 1982.
- Муқимов Р., Шарипов М. Халқлар адабиёти. Т., 1980.
- Коллектив. История всемирной литературы. В 9-х томах. Том 1. М., 1982.

## 10-мавзу. ШАРҚ ВА ҒАРБ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

### Режа:

1. Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари тарихига доир.
2. Ғарб адабиётида Шарқ адабий мотивлари.
3. Гёте ва Шарқ адабиёти.

**Калит сўзлар:** Ғарбда маҳсус компараравистика, Ғарбий Европа, Осиё ва Европа, “Ғарбу Шарқ девони”, А. Паласиос, М. Пидал, А. Арберри, И. Крачковский, И. Орбели, Н. Конрад, В. Жирмунский, қиёсий адабиётшунослиник.

XIX аср ўрталарига келиб, Европада қиёсий адабиётшунослик алоҳида фан сифатида тараққий топди. Ғарбда маҳсус компараравистика (қиёсий адабиётшунослик) мактаблари юзага келди. Айниқса, франсуз олимлари Пол Азар, Георг Брандес, Фердинанд Брюнетъер, Паул ван Тигем адабиётшуносликни янги кашфиётлар билан бойитдилар.

Аммо жаҳон адабиёти тарихини яратишга бел боғлаган бу олимлар дунёнинг факат бир қитъаси, яъни Европа (шунда ҳам Ғарбий Европа) маданиятини тан олдилар, холос. Бошқа ҳалқлар томонидан бунёд этилган маънавий бойликлар улар тадқиқотларидан четда қолди. Неча асрлар муқаддам гуллаб ривожланган муazzам Шарқ маданияти умумий оқимда суриб чиқарилди. Компаравистлар уни ўрганишга арзимайди, деб ҳисобладилар. Бу мустамлакачилик, ирқчилик сиёсатини юргизувчи “европосентризм” оқимининг таъсири эди. Мустамлакачилик мафкурасини ифодаловчи мазкур оқим вакилларининг ақидасича, Шарқ ҳалқлари азалдан қолоқ бўлганлар; уларнинг башарият тараққиётида ҳеч қандай улушлари йўқ. Адабий таъсир масаласида эса улар факт Европанинг Шарққа таъсири хусусидагина гапириш мумкин, деб билдилар. Шарқни ўрганиш, уларча, этнографик маълумотлар тўплаш ҳамда экзотик жимжимадорликни кўриб, кўзни кувонтиришдан иборат. Шарқ ҳалқлари маданиятига паст назар билан қараш адабиётшуносларгина эмас, балки европалик файласуфлар, тарихчилар орасида ҳам бирмунча кенг тарқалгандир. Жумладан, тарихчи ФР. Шлоссер: “шарқ давлатлари мустабидлик (деспотизм) ҳамда иерархия асосига қурилган. Дин бу ерда ҳамма нарсани ўз таъсирига олганидек, урф – одат, адабиёт, мафкура, аҳлоқ, ҳокимият тарзи ва ҳатто, санъат ҳам доимий, ўзгармас деб қаралган. Улар ўз маданиятларининг доим ана шундай турғун бўлишини хоҳлаб келдилар, бошқалар таъсирини қабул қидмадилар”!,- деб ёзади. Ғарбда бундай қарашлар кўп вақтгача хукмрон ақида бўлиб келди. Улар ўз маданиятларининг Шарқдан келиб чиққанлигини зўр бериб инкор этдилар ва жаҳон тарихини факт Европа ҳалқлари тарихи ташкил этади, деб тушунтиридилар.

Ҳалқлар орасига фитна ва адоват уурғини сепувчилар Шарқ билан Ғарб азалдан бир – бирларига душмандир, улар ҳеч қачон қўшилолмайди, деб чиқдилар. Гўё яратилган кундан бошлаб дунё Осиё ва Европа, яъни Шарқ ва Ғарбга бўлинган эмиш... Улар фикрича, бу икки қутб кишилари орасидаги қураш азалийдир ва у башарият ҳаётининг мазмунини ташкил этади: чунки ҳаёт иккита қарама – қарши кучнинг туғилиш ва емирилиш, нур ва соянинг қурашидан иборат.

Аммо Европа илму адаб ахлининг ҳаммаси ҳам Шарққа нисбатан бундай муносабатда бўлган эмас. Дунё баркамоллигини бирликда кўриб, Шарқ ҳалқлари маданиятини катта ҳурмат билан Ғарбда тарғиб этган ва этаётган мутафаккирлар қаршисида биз бурчлимиз, хусусан, шарқшунос олимларнинг бу борадаги хизматлари бебаҳодир. Уларнинг ғайрат – шиҷоати, тинимсиз изланишлар туфайли, Шарқ адабиётининг кўпгина ёдгорликлари тадқиқ этилиб, Европа тилларига таржима қилинди. Европа китобхонлари таржима воситасида Шарқ ҳалқлари ижодиёти билан танишар эканлар, бундан минг йиллар муқаддам Осиё кўксига етук маданият барпо этилганлиги, теран ҳам нозик инсоний туйғулар, улуг гуманистик ғоялар барабалла кўйланган юксак адабиёт яратилганлигининг гувоҳи бўладилар. Бугина эмас, Шарқ адиблари асарлари ғарбликлар

диди ва завқига ғоят мос бўлиб тушди; Европа шоир, ёзувчиларнинг ижодий камолотига самарали таъсир кўргазди. Улуг немис шоири И. Гёте Хўжа Ҳофиз девонини фон Ҳаммер таржимасида мутолаа этиб, азбаройи таъсиранганидан ўзини Шеъроз булбулининг муриди, деб эълон қилади. У Ҳофиз орқали бутун Шарққа бир умр мухаббат боғлаб, “Ғарбу Шарқ девони”ни битади. Бу девонида у бор овози билан дунё бирлигини қўйлади.

Бузилди Ғарб, жануб ва Шимол,  
Тахту тожлар бўлди поймол.  
Сен йироққа, кунчиқарга бор!  
Унда қўшиқ, севги бор, май бор.  
У табаррук ҳавони шимир,  
Ва бошлагин янгидан умр...  
(“Хижрон” шеъри. М. Шайхзода таржимаси).

Гёте наздида Шарқ шеърияти, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Румий ижоди – “Хизр чашмаси”. У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, севги ва қўшиқ салтанати...

Улуг адиларнинг Шарқ адабиётига қўйган эътиқоди компаравист адабиётшунос-лар юзини ҳам Шарққа ўғирди. Эндиликда холис ниятли олимлар “европосентризм”нинг ғайри илмий моҳиятини очиб ташлаш билан компаравистиканинг объектив илмий хуласаларга асосланган янги методини ҳам ишлаб чиқдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсоният жамияти тараққиёти доимий янгиланиш, ўсишни бошдан кечирган. Ҳар бир маданий кўтарилиш ўзигача бўлган ютуқларни жамлаган, бойитган ва янги – янги оқимларни бирлаштириб, олға силжишда давом этган. Тараққиёт тарихига Шарқ ва Ғарб халқлари навбатма – навбат хисса қўшиб келганлар. Жаҳон халқлари орасидаги иқтисодий ҳам маданий алоқа тобора ривожлана борган ва у ҳозирги пайтда янги куч билан мустаҳкамланмоқда. Аммо бунда замонлар ўтиши билан адабий – маданий боғланишлар характеристи, мазмуни ўзгариб турганлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Жумладан, ўрта асрлар маданиятини юксалтиришда Шарқ етакчи бўлиб, ташаббусни ўз қўлида сақлаган экан, кейинги даврга келиб, ғарб олдинга ўтиб олди.

Атоқли шарқшунослар А. Паласиос, М. Пидал, А. Арберри, И. Крачковский, И. Орбели, Н. Конрад, В. Жирмунский ва бошқалар маданиятлар ривожидаги ана шу тарихийлик тадқиқига алоҳида эътибор бердилар. Тафаккур тараққийси ва ижод силсиласида Шарқнинг алоҳида мавқеи борлигини барқарор этдилар. Ғарбий Европа адабиётшунослари тадқиқни асосан, Италия Уйғониш давридан бошлайдилар. Ўрта асрлар ва қадимги дунё адабиёти улар эътиборидан четда қолиб келдики, бундай даврий чегараланиш илмга хилофдир. Шунга кўра, академик Н. Конрад ҳамда В. Жирмунский жаҳон адабиётини муайян қитъалар, халқлар бўйича эмас, балки ижтимоий – иқтисодий даврлар бўйича таҳлил этишни таклиф қиласидилар. Улар фикрича, бир хил ижтимоий – сиёсий шароитда ўхшаш мафкура, ғоя ва қарашлар пайдо бўлиши, шу заминда бир – бирига яқин адабий ҳодисалар, оқимлар шаклланиши, муштарақ образ ҳам оҳанглар (ҳатто, тасвирий усуллар) юзага келиши табиийдир. Бинобарин, бу икки забардаст олим типологик тадқиқ усулини дикқат марказига олиб чиқдилар, уни қиёсий адабиётшунос-ликнинг етакчи методи, деб хисобладилар. Аммо Шарқ ва Ғарб адабиётларини қиёсий ўрганишда асосий эътиборни типологик ўхшаш жиҳатларга қаратган ана шу икки олим ҳам Шарқ маданиятининг Ғарбга таъсири масаласига келганда, бир мунча эҳтиёткорлик билан фикр юритадилар. Чунончи, В. Жирмунский XII – XIII асрларда Андалусияда араб тилидан ўгирилган таржималарнинг Европа маданияти учун аҳамиятини қисқача қайд этса-да, Испан олимлари Менендес Пидал ҳамда Анис Паласиоснинг Шарқ шеърияти трубадурлар лирикасига таъсир этди, деган фикрларини шубҳа остига олади. Биз ушбу китобда келтирганимиз далиллар Шарқнинг Ғарбга таъсири масаласида ҳар қандай шубҳани асоссиз эканлигини асослашга қаратилгандир.

Шарқу Ғарб адабий алоқаларида диний тафовутлар, ўзаро сиёсий ҳамда мафкура-вий душманлик салбий рол ўйнаган, деган қарашлар мавжуддирки, рус шарқшунос олимлари П. Гринсер, Б. Рифтин тадқиқотларида бундай қарашнинг ҳам асоссиз эканлиги

исботланди. Аксинча, турли динлар ва сиёсий мақсадлар тўқнашган жойда ўзаро рақобат – маданий жихатдан илғор бўлган рақиб ютуқларини ташна бир суръат ила ўзлашириб, ундан ўзиб кетишига интилиш кучли эканлиги тарихдан кузатилди. Яна шуниси ҳам аниқки, чинакам гуманистик ғоялар байроқдори бўлган бадиий асар ва санъат обидаси ҳар қандай диний ақидалардан устун туриб, давр сарҳадларини бузиб ўтади. Бежиз эмаски, тарихга назар ташлар эканмиз, айнан мусулмон ҳам насроний ҳалқлар кўшилиб яшаётган доимий мулоқатда бўлган Андалусия, Сурия, Иордания, Кавказ, Волга бўйи, Кичик Осиё, Болқон ярим ороли каби жуғрофий нуқталарда Шарқ Ғарб адабий – маданий алоқалари ғоят теран ва мустаҳкам илдиз отгани, устозу шогирдлик узлуксиз давом этаётганлигини кўрамиз.

Шундай қилиб, Шарқу Ғарб адабий – маданий алоқалари жуда катта даврни қамраб олувчи кўп тармоқли соҳадир. Талай тадқиқотлар битилиб, муҳим муаммолар ёритилган эса – да, бу борада ҳали ҳам бир қадар умумий ҳамда жузъий масалалар пухта ўрганилмаган. Аксарият тадқиқотчилар умумий масалалар устида мулоҳаза юритиш билан чекланмоқдалар. Конкрем даврлар, мамлакатлар, адабиётлар, алоҳида ёзувчилар ижоди, муайян асар устида ана шу масала юзасидан ҳар тарафлама теран олиб борилган тадқиқотлар бениҳоя камдир. Ваҳоланки, Шарқу Ғарб муносабатларини даврлантириш чунончи: 1) энг қадимги даврлардан эллин маданиятигача бўлган Ўрта денгиз атрофидаги ҳалқлар маданий алоқалари; 2) III – VI асрлардаги юонон – Ўрта Осиё, юонон - - Ерон, юонон – Хинд алоқалари; 3) VIII – IX асрларда юонон – Араб алоқалари; 4) XI – XII асрларда Испания орқали амалга ошган Шарқ – Ғарб алоқалари; 5) XIV – XVIII асрлардаги алоқалар; 6) XIX аср маданий алоқалари; 7) XX аср Шарқу Ғарб алоқалари каби, ҳар бир давр алоқаларида типологик айниятларни бутун яхлитлиги билан очиб бериш каби муҳимдан – муҳим вазифалар ҳам ҳали олдинда турибди.

Х – XI асрлар фан соҳасидаги эмас, бадиий ижодда ҳам юксалиш даври бўлган. Араб шеъриятни Абу Нувос, Абу Таммом, Абу Аъло ал – Мааррий, ал – Бухтурий каби улуғ шоирлар сиймосида гуллаб турган бир пайтда, форс – тожик тилидаги адабиёт аввал Бухорода, кейинчалик Газна шаҳарларида тараққий топди. Рудакий, Дақиқий, Абу Шукр Балхий, Фирдавсий, Фаррухий, Анварий сингари сўз санъат усталари элга танилдилар. Бу давр шоирлари фан асосларидан пухта хабардор бўлганлариdek, олимлари ҳам поетик диди баланд, аксарияти шеъриятда ҳам устод алломалар эдилар. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём фаолияти фикримизнинг ёрқин далилидир.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари тарихини ўргангандек олимлар ва уларнинг тадқиқотлари ҳақида нималарни биласиз?
2. И.Гёте ва Хўжа Ҳофиз ҳақида гапириб беринг.
3. Жаҳон адабиёти контекстида шарқ адабиёти.

### **Адабиётлар:**

- Азизов К., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Т., 1987.
- Алимухаммедов А. Антик адабиёт тарихи. Т., 1982.
- Муқимов Р., Шарипов М. Ҳалқлар адабиёти. Т., 1980.
- Коллектив. История всемирной литературы. В 9-х томах. Том 1. М., 1982.

## 11-мавзу. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

### Режа :

1. Алишер Навоийнинг турк ва форс тилларини қиёсий метод асосида ўрганишга бағишланган “Мухокаматул-л-луғатайн” асари.
2. Туркий тилшуносликда типология соҳасининг юзага келиши.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий. Мухокаматул луғатайн. Чоғиширма усул. Туркий ва форсий тил. Экспрессив бўёқдор лексика. Юзта феъл. Феълнинг биргалик нисбати.

Ўрта аср туркий тилшуносликнинг буюк чўқиси сифатида Алишер Навоийнинг “Мухокаматул луғатайн” асари тан олинади. У 1499 йилда ёзилган.

Навоий “Мухокаматул луғатайн” тадқиқоти билан туркий филология тарихига жуда катта хисса кўшди. Асарда икки тил – туркий ва форсий тил чоғишириб таҳдил этилади. Навоий дунё тилшунослиги тарихида биринчилардан бўлиб илмий комправистика усулларини ўз тадқиқотига кўллади.

Навоий асар бошида кенг тарқалган тўрт тил гурӯхига эътибор қаратади. Булар: араб, туркий, форсий, ҳиндий. Булар ичида араб тили “ўз мўъжизаси ва илоҳийлиги” билан ажralиб туради. Сўнг қолган уч тил ҳам асл ва мўътабар тиллар сифатида қайд этилади..

Шундан кейин муаллиф туркий ва форсийнинг қиёсий таҳлилига ўтади. У туркий тилнинг услубий афзалликларини кўрсатиш мақсадида форсийда тенгдоши йўқ юзта феълни келтирди.

Асарда егулик ва ичимликлар, қариндош-уруғчиликка оид, маданий-маиший хаётга доир сўзлар, қуш ва паррандалар, ҳайвонларнинг аталиши, от ва унинг жиҳозлари, кийим-бошлар, мансаблар, ҳунар ва касб отлари ҳар икки тилда қандай аталишига ҳам ўрин берилган.

Навоий туркий тилнинг ўзига хос морфологик хусусиятларига ҳам эътибор қаратди. У феълнинг ўзлиқ, орттирма ва биргалик нисбатларини, равишдош шаклини, кўмакчи феъл ёрдамида тузилган мураккаб феълларни, сифатнинг орттирма ва қучайтирма даражаларини, айрим сўз ясовчи кўшимчаларнинг маъноларини кўрсатиб, мисоллар ёрдамида изоҳлаб берди.

У мазкур асарида тилларнинг келиб чикиши, тил ва тафаккур орасидаги муносабат, сўз маъноси, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари, сўз ясалиши, морфологик категориялар, фонетикага оид-товуш билан боғлиқ қатор ҳодисалар ҳакида чукур фикр юритади, бундай ҳодисаларни атрофлича таҳлил қиласди.

Навоий асарда фонетик система ҳакида фикр юритар экан, айни системанинг курилиш аъзолари бўлган товушлар ҳакида, товушларнинг артикулятсион хусусиятлари ҳакида маълумотлар беради, ўзбек тили товушларининг қўлланилишидаги ўзига хосликларини алоҳида қайд этади.

Ушбу фонетик ўзига хосликлар ҳакида проф. С.Усмонов ва проф. А.Нурмоновлар ўз тадқиқотларида бир қатор маълумот-ларни келтирадилар. Масалан, товуш ва ҳарф муносабати ҳакида фикр юритилар экан, улар бир-бирига ҳамма вақт ҳам мос келмаслиги, бир ҳарф билан бир неча товушни англатиш мумкинлиги айтилади. Анифи, Навоий эски ўзбек адабий тилининг унлилар системасига тўхталиб, о-ё, у-ў оппозитсияси асосида мисоллар келтиради қиёсланг: от (олов), ёт (харакат); тўр (тузок), тўр (уйнинг тўри); ўт (ютмоқ), ўт (каллани ўтга тутиб, тукини куйдириш). Шунингдек, биргина ей (с) ҳарфи билан учта товуш: и, чўзиқ и ва э товушлари ифодаланиши қайд этилади.

Қоғия масаласида ўзбек ва форс тиллари қиёсланар экан, бунда ўзбек тили имкониятларининг кенглиги, бу жиҳатдан ўзбек тили форс тилидан устун эканлиги баён килинади. Анифи аро сўзини саро, даро билан ҳам, бода билан ҳам, эрур сўзини эса хур,

дур билан ҳам, ғуур, суур сўзлари билан ҳам қофия қилиш мумкинлигини, форс тилида эса бундай имконият йўқ эканлигини таъкидлайди.

Хуллас, Алишер Навоий товушни, ҳозирги тилшунослик нуктаи назаридан баҳолашда, фонема сифатида олиб, унинг энг муҳим хусусияти бўлган маъно фарқлаш қобилятига эга эканлигини баён қиласди.

Алишер Навоий морфологияга оид фикрларни баён қиласди экан, асосий, етакчи сўз туркуми сифатида, мақсадга тўла мувофиқ, феълларга мурожаат қиласди. Феъл бирликларнинг маъно жиҳатдан, шакл ва қўлланиши жиҳатдан эски ўзбек адабий тилининг ўзигагина хос, яъни форсийда учрамайдиган хусусиятларини, зукко тилшунос сифатида, пухта таҳлил қиласди. Аникроғи, у феълларнинг нисбат билан боғлиқ томонларига алоҳида эътибор берар экан, феълнинг ўзлик, орттирма ва биргалик нисбатларини, равишдош шаклини, кўмакчи феъл ёрдамида тузилган мураккаб феълларни қайд этади.

Навоий феълнинг орттирма нисбат шакли ҳақида фикр юритар экан, айни нисбат тушунчаси-т қўшимчаси орқали ҳосил бўлишини айтади, қатор мисоллар келтиради. қиёсланг: югурт, яшурт, чиқарт ва бошқалар.

Фанда “Мухокаматул лугатайн” асарининг тўрт қўлёзма нусхаси маълум.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асарлари ҳақида гапириб беринг.
2. Алишер Навоийнинг шарқ адабиётшунослигидаги ўрни.
3. Алишер Навоийнинг “Мухокаматул лугатайн” асари ҳақида нималарни биласиз?

### **Адабиётлар:**

- *Абдураҳмонов F. Рустамов A.* Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. Тошкент, 1984.
- Али Шир Невайи. Муҳакеметйъл-луғатейн (Іки Дилин Муҳакемеси). Ҳазрлайян Ф. Сема Барутсу Ёзёндер. Анкара, 1996.
- История лингвистических учений: Средневековъ Восток. Л., 1981.

## **12-мавзу. АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ, ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

### **Режа :**

1. Абу Наср Форобийнинг шарқ фалсафасига қўшган ҳиссаси.
2. Абу Наср Форобийнинг шарқ тилшунослигига қўшган ҳиссаси.
3. Абу Наср Форобийнинг шарқ адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси.
4. Абу Наср Форобийнинг Эвропа илмига қўшган ҳиссаси.

Марказий Осиёning йирик мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий (873-930) дир. Форобий ўз даврида мавжуд бўлган барча илмлардан баҳраманд бўлишга интилди ва ҳатто бу йўлда катта ютуқларга эришиш мақсадида Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб, Ҳаррон каби араб шарқининг жуда кўп шаҳарларига саёҳат килди, борган шаҳарларида олимлар билан танишди, улар билан сұхбатлашиб, улар илмидан баҳраманд бўлишга интилди.

Шунинг учун ҳам алломанинг номи ал-Киндий, ар-Розий, ибн Сино, Беруний, ибн Рўшд сингари улуғ мутафаккирлар қаторида фаҳр ила тилга олинади. Фаробий мелодий 873 йилда Арис дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган Фороб (Ўтрор) қишлоғида туғилган. Дастлабки саводини шу ерда чи қарган Абу Наср кейинчалик Шош, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида таҳсил олади. Араб халифалигининг тараққий этган шахри, халифалик маркази Бағдодда таҳсилни давом эттирган. Умрининг сўнгти йиллари Ҳалаб ва Дамашқ шаҳарларида кечди. 930 йилда Дамашқда вафот этган.

Абу Наср Форобий тил, тилшунослик, адабиёт ва адабиётшунослик, поетика ва риторикага тегишли бир қанча асарлар ижод этган. У бу мавзуда “Шарҳ китоб-ал-хитоба ли Аристутилос” (“Аристотелнинг “Риторика” асарига ёзилган шарҳ китоби”), “Китоб ал-алфоз ва ал-хуруф” (“лафз - сўзлар ва ҳарфлар ҳақида китоб”), “Калом лаҳу фи маъно исм ал-фалсафа2 (“Фалсафа номининг маъноси ҳақида”), “Китоб фи ал-хитоба кабир, ишрун мажалладан” (“Риторика ҳақида йигирма жилдлик катта китоб”), “Китоб фи синоат ал-китоба” (“Ёзув санъати ҳақида китоб”), “Калом лаҳу фи аш-шеър ва ал-қавоғий” (“Шеър ва қофиялар тўғрисида сўз”), “Китоб фи ал-лугат” (“Лугатлар ҳақида китоб”), “Китоб фи ихсо иқао” (“Ритмлар таснифи ҳақида китоб”) каби асарлар ёзган. Бу асарларда шоир, тилшунос, адабиётшунос Форобий сиймоси намоён бўлади.

Фаробийнинг асарларида тилшуносликнинг фалсафий масалалари марказий ўринни эгаллайди. Жумладан, ҳиссий ва идрокий билиш, умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ходиса диалектикаси хусусида ўзининг “Фалсафату Аристуталис” асарида дикқатга сазовор фикрларни баён этади. Олимнинг фикрича, билиш инсоннинг моҳиятини ташкил этади. Билишдан мақсад эса ҳақиқатга эришишдан иборатdir. Ҳар қандай билиш ўзини қуршаб турган оламдаги нарсаларни кузатишдан бошланади. Чунки тафаккур фаолияти билан ҳосил қилинган моҳият ўзининг табиий асосидан олдин бўлиши мумкин эмас. Бу фикрлар В.Гумболд фикрларига ҳамоҳанглигини кузатиш мумкин.

Фаробий ўзининг гносеологик таълимотида конкрет борлиқдан умумлашмаларга, абстракт тафаккурга, идеал дунёга боришини тавсия этади.

Фаробий инсон онгининг икки турли бўлишини кўрсатади: 1) ички (интуитив) онг; 2) ташки (ҳосил қилинган) онг. Биринчиси табиат томонидан берилган бўлса, иккинчиси эса табиатдан мақсадга кўра олинади. Олим шунга мувоғиқ тарзда, инсон билимини ҳам иккига ажратади: 1) туғма билим; 2) ўқиш ва тажриба асосида ҳосил қилинган билим.

“Фалсафату Аристуталис” асарида ҳозирги структур тилшуносликнинг глоссемантик йўналишида марказий ўринни эгалловчи ўзгарувчан бирликларнинг зидланиши ҳақидаги фикрларнинг илдизларини учратиш мумкин. Олим бу хусусда шундай ёзади: “Беадад зиддиятлар бир-бирларини алмаштириб турадилар. Ушбу тановубларда (алмашиниб туришларда) битта ўзгармайдиган доимий нарса бор. У ушбу тановубларни сақлаб туради ва уларга сингиб кетади. Нарсалар бир-бирига эргашиб ва ўзгариб турганлари ҳолда, доимий бўлиб келадиган нарсани “Жавҳар”(субстанция), алмашиниб ва ўзгариб турувчи нарсаларни “Ораз” (аксидентия) дейилади”. Олимнинг бу

фикрлари тасаввуф фалсафасига ҳам асос бўлди ва улар бу икки тушунчани “зот” ва “тазохир” атамалари билан номладилар.

Абу Наср Форобий Аристотелнинг “Риторика” асарига ёзган шарҳида сўз туркумларини от, феъл, ҳарф (боғловчи) деб уч гурухга ажратади. Бу нарса унинг сўз маънолари, товушлар таҳлили, ёзув тизими, услугият ҳақидаги фикрларида ҳам ўз ифодасини топган.

Абу Наср Форобий ҳар бир сўз ифодаловчи тушунча, тасаввур ҳақида фикр билдириб шундай ёзади: “Борди-ю агар ўшандада у кишига бирор нарсанинг ўзини сўз билан тавсифлаб берилса борми, унда ўша сўз-мулоҳазаларда ишлатиладиган ҳар бир нарса ичидаги яхшилик ва ёмонлик адолатсизлик ё тубанлик ва ё бўлмаса халолликни тасаввур қилганига ўхшаб келади. Бас шундай экан, ҳаёлга келган сўзлардан кузатилган мақсад ҳам эшитувчини унинг ҳаёлига келган нарсани қилишга ундашдан иборат бўлади”.

Фаробийнинг тилшуносликка оид фикрлари “Фанлар таснифи ҳақида сўз” асарида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Асарнинг биринчи қисми тилшунослик фанига бағишланган. Унда тилшуносликнинг бир қатор асосий бўлимлари, уларнинг маънолари ва ўрганиш манбалари хусусида сўз юритади. Фаробий сўз маънолари хусусида фикр юритар экан, сўз маъносига кўра икки турли бўлишини қўрсатади: 1) содда сўз; 2) мураккаб сўз. Одам, ҳайвон сингари сўзларни содда сўзга киритса, Бу одам ҳайвондир тушунчасини мураккаб сўз деб атайди.

Фаробий отларни иккига ажратади: атоқли ва турдош отлар. Зайд, Амр сингари исмлар атоқли отга, одам, ҳайвон, от сингарилар турдош отлар эканлигини қайд этади.

Тишунослик фанининг мундарижаси хусусида сўз юритар экан, уларни олти бўлимга ажратади: Содда сўз ҳақидаги фан. Сўз бирикмалари ҳақидаги фан. Содда сўз қонунлари ҳақидаги фан. Сўз бирикмалари қонунлари ҳақидаги фан. Ёзув қонунлари ва тўғри талаффуз (орфоепия) ҳақидаги фан. Шеър тузилиши қоидалари ҳақидаги фан.

Сўз бирикмаси ҳақидаги фан маълум ҳалқ тилида учрайдиган нутқнинг қисмларга бўлининишини билиш, машхур нотиклар, шоирлар яратган нутқ турларини билиш билан шуғулланади. Содда сўз қонунлари ҳақидаги фан, аввало, нутқ товушлари (ҳарфларни), ундош товушларнинг пайдо бўлиш ўрнини, унли товушлар ва уларнинг хусусиятларини, сўзга қўшимчалар қўшилганда рўй берадиган фонетик ўзгаришларни, сўзнинг фонетик модели, содда ва қўшма сўзлар, ясама сўзлар намуналари, от ва феълларнинг ўзгариши, талаффузи қийин сўзлар ва уларнинг талаффузини енгиллаштириш йўлларини ўрганади.

Сўз бирикмаси қонунлари ҳақидаги фан икки қисмдан иборат: 1) от ва феълнинг охири (қўшимчалари); 2) сўз қисмларининг қўшилиш қоидалари. Сўз олдига қўшиладиган, сўз охирига қўшиладиганлар, ўзгарадиган ва ўзгармайдиган сўзларга бўлиш. Отлар ва феълларнинг ўзгариши каби масалаларни ўрганади.

Сўз бирикмалари қоидалари ҳақидаги бўлимда сўзларнинг қандай қўшилиш қоидалари ва ҳукм билдириши ўрганилади, сўзларнинг қўшилиш турлари аниқланади. Қандай қўшилиш чиройли эканлиги қўрсатилади.

Ёзув ҳақидаги фанда ёзув қоидалари ўрганилиши, шеърнинг тузилиши ҳақидаги фанда эса шеър ўлчовлари, ҳар бир шеър қандай товушлардан ва бўғинлардан ташкил топганлиги, тўлиқ ва нотўлиқ ўлчовлар, қайси ўлчов ёқимли ва чиройли эканлигини ўрганиши қайд этилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Фаробий тилшуносликнинг фонетика, лексика, морфология, синтаксис, орфография, орфоепия, стилистика сингари бўлимлари ҳамда уларнинг ўрганиш обьектлари хусусида сўз юритади. Абу Наср Форобий ўзининг “Шеър ва қофиялар тўғрисида сўз” номли асарида бир хил товушлар билан тугалланадиган сўзлар, лафздош сўзлар, ўзак ва қўшимчалар қофияси номи билан аталадиган қофия ҳақида маълумот беради. Қофия мисра охирини эслатиш билан ритмнинг шаклланишига муҳим ҳисса кўшади, - деб қўрсатади. Абу Наср Форобий турли тилларни ўрганиш билан ҳам шуғулланди. Масалан, у тиббиёт ва мантиқ илмини христиан врачи Юханно ибн Хайлон Куннойдан, хикмат ва юонон тилини христиан Абу Башар Маттодан ўрганади. Форобий 70 тилни ўрганганди ва у тилларда бемалол сўзлаша олган.

Абу Наср Форобий ўз асарларида тиллар ва уларнинг лугатлари ҳақида маълумот беради. У фалсафа сўзи маъноси ҳақида шундай ёзади: “Фалсафа юонча бўлиб, араб тилига четдан кирган сўзлардандир. Бу сўз уларнинг тилларида филосуфо деб айтилади. Унинг луғавий маъноси - хикматни ёқтириш демакдир”. Бу сўз юон тилида “фило” билан “суфиё” сўзларидан таркиб топган. “Фило” деганда ёқтириш, севиш тушунилади; “суфиё” деганда эса хикмат, донолик тушунилади. Файласуф сўзи фалсафадан олинган, бу юонларнинг тилида “филасуфус” дейилади. Бу ўзгариш юонларда илдиздан бўладиган ўзгариш саналади. Уларнинг тилида бунинг маъноси хикматни севиш демакдир. Улар бу иборат билан хаётдан ва умр куришдан мақсад хикматни маъқуллашдан иборатдир дейишади.

Абу Наср Форобийнинг тилшунослик, умуман филология соҳасида ижод қилган асарлари кўп замонлар ўтишига қарамай, инсонларни сўзни севиш каби олижаноб фикрлардан қайтармади, балки келажақда катта-катта ишлар килиш ва бундай ишларни амалга ошириш учун куч-ғайрат кўрсатишига умидворлик бахшида этади.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари ҳақида қандай билимларга эгасиз?
2. Буюк олимнинг шарқ тилшунослигига оид қандай асарлари бор?
3. Абу Наср Форобийнинг шарқ адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб беринг.
4. Нима учун Абу Наср Форобийни Эвропада ўрганишади?

#### **Адабиётлар:**

- Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
- Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. Т., 1971.
- Хайруллайев М. Абу Наср Форобий. Т., 1961.
- Ўринбойев Б. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Самарқанд, 1999.
- Нурмонов А. ЎзбАраб тилшунослигининг ривожида ўрта осиёлик тилшуносларнинг хизмати

## **13-мавзу. АБУ РАЙХОН МУҲАММАД ИБН АҲМАД БЕРУНИЙНИНГ ШАРҚ ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИГИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

### **Режа:**

1. Абу Райхон Берунийнинг шарқ тилшунослигига қўшган ҳиссаси.
2. Абу Райхон Берунийнинг шарқ адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси.
3. Абу Райхон Берунийнинг жаҳон шарқшунослигига ўрганилиши.

**Калит сўзлар:** Ҳиндистон, Геодезия, Минералогия, Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжамул удабо” китоби, Эрон, Ҳинд халқлари, қадимги араблар, ҳинд транскрипсияси, Беруний ва юонон олимлари.

Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг 152 та асарлари бор. Афуски, бизгача фақат 50 тасигана етиб келган. Бироқ Берунийнинг шу кунгача фанга маълум бўлган асарларининг ҳаммаси ҳам нашр этилган ва тўлиқ ўрганилган эмас. Уларнинг айримлари ҳамон кўлёзмалигича қолиб келмоқда. Шу сабабли, қомусий олим ижодининг айрим томонлари, жумладан тилшунослик қарашлари, етарли даражада ёритилмаган. Берунийнинг “Таҳқиқ мо ли-л-ҳинд мин мақӯла мақбӯла фи-л-ақл ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ёки сиғмайдиган таълимотларининг ҳақиқатини аниқлаш”), “Ҳиндистон”, “Ал - Қонун ал-Масъудий” (“Қонуни Масъудий”), “Геодезия”, “Минералогия” ва бошқа китобларида тарих, адабиёт, тилшунослик каби соҳаларга оид қимматли маълумотлар бор. Абу Райхон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида ҳинд тили ҳақида қимматли фикрлар беради. “Ҳиндларнинг тиллари араб ва форс ҳарфларига тегишли товушларга тўғри келмайди ва ўхшамайди, ҳатто, тилимиз у товушларни ўз жойидан чиқариб айтольмайди; кулоқларимиз уларнинг нутқ, товушларини ажратиб эшига олмайди. Нутқ товушларини ифодаловчи ҳарфларни ҳиндлар каби ёза олмаймиз. Натижада уларнинг лугавий бирликларини бизнинг хатимиз билан ифодалаш қийинлашади. Беруний ҳинд ёзувининг хусусиятларини назарда тутиб, ҳинд транскрипсиясининг диккатга сазовор тизимини ишлаб чиқди. У томонидан ишлаб чиқилган транскрипсияда ундошларни белгилашда арабча талаффуз меъёрларига бегона бўлган белгиларни қўлланган.

Абу Райхон Беруний ўз шеърларини араб тилида битган. Бу нодир меросдан айрим намуналар Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжамул удабо” (“Адиблар жамъи”) китобида сакланиб қолган. Ёқут ҳаммаси бўлиб ўттиз етти байтдан иборат бир қасида ҳамда икки – уч шеърий парчани келтирас экан, улар баланд савияда бўлмаса ҳам, Беруний қаламига мансублиги билан таҳсинга лойикдир, деб таъкидлайди. Шеърлар, асосан, автобиографик характерга эга. Уларда Беруний ҳаётининг турли даврлари, унинг ўзи тўғрисидаги фикрлари ҳамда атрофидаги кишиларга муносабати акс этган. Қасидада олим дастлаб,adolat, сахийлик, фанравнақи бобларида шоҳлар билан қилган сұхбатини келтириб, кейин замондоши Абулфатҳ Бустий мадҳига ўтади. Асар сўнгидаги ўзи ва муҳолифлари тўғрисида қуидагиларни баён қиласди (мазмуни):

Улар (муҳолифлар) фан олдида тиз чўқмадилар ва илмий мунозараларда қатнашмадилар. Ҳеч ким ҳам (фанда) мен каби турли – туман масалалар хусусида тўхталган эмас. Мабодо мени билмоқчи экансиз, Шарқ мен ҳақимда ҳиндлардан, Ғарбда эса менинг қанчалик қийинчиликлар тортганлигимни билганлардан сўра. Мазкур парчадан кўринадики, Беруний қасидани умрининг сўнгти йилларида, ўзининг машҳур “Ҳиндистон” китобидан кейин ижод этган. Бу даврда олимнинг шуҳрати ўзи қасидада қайд этганидек. Шарқу Ғарбга тарқалган эди. Фанни эгаллаш йўлида машақат чекиб, риёзат тортиш, “унга сажда қилиш, ҳаётни бағишлиш лозим”, дея таъкидлаган олим, илмда шу қадар ном қозонганлиги, оламшумул шуҳратига қарамай, ўзини ортиқча қўкларга кўтариб мақташларига йўл қўймаган. Замирида лаганбардорлик ётган носамимий мақтовлар олимни ғазаблантирган. У шеъриятдан ижтимоий қарашларини ифодалаш, ғоявий муҳолифларига қарши кураш йўлида фойдаланган. Бу ҳол, шарқшунос М.Сальєнинг Беруний

шеърни “Эрмак учун ёзарди” деган ғайри илмий фикрини ўз – ўзидан рад этади. Олимнинг машҳур “Осорул бокия”, “Хиндистон”, “Ал-жавохир”, “Теодезия” (“Жойларнинг чегараларини аниқлаш”), “Сайдона” асарлари тарихи ва этнография, астрономия ва география, ер угзилиши, ўсимликлар дунёсидан баҳс юритади. Аммо, уларда илмий мухокамалар, хилма – хил жадваллар, геометрик мисоллар, формуласараро шеърий парчалар, машҳур шоирлар номлари ҳам тез – тез учраб туради. Бинобарин, Абу Райхон Беруний ғоявий – эстетик баҳра олиш, халқларнинг бадиий тафаккур меваларини ўзлашибарди билан бирга, адабиётдан илмий хужжат, фан учун зарур далил манбаси сифатида ҳам фойдаланган. Ўзи келтирган шеърларда тасвириланмиш воеа – ходисалар, фикр ва тушунчаларни конкрет фан талаби асосида изоҳлаб, шу ўринда шеърга баҳо ҳам бериди ўтади. Олимнинг “Ал-жавохир”, “Сайдона” китоблари бу жиҳатдан шеърий мисолларга ғоят бойлиги билан қимматлидир. Жумладан, қимматбаҳо тошларнинг хусусиятларини тадқиқ этувчи “Ал-жавохир” асарида саксондан ортиқ шоирнинг 740 мисра шеърини муайян фикрни далилаш учун иқтибос (ситата) тарзида келтирган. Бу ҳолни 40 – 50 шоир асарларидан намуналар келтирган “Осорул бокия”, “Сайдона” асарларида ҳам кўрамиз. Олим келтирган шеърий парчаларидан айрим тахминлар, табиий ходисаларга хилоф ўринларни кўрсатар экан, бу ҳолни адабиётнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан изоҳлашга интилган. “Шоирлар, - дейди у, - табиатдаги нарса – ходисаларнинг ҳамма вақт ҳам аниқ хусусиятларини тасвирилашга қизиқмайдилар, балки уларни кишилар тасаввуридаги ҳолатига кўра қаламга оладилар”. Кўринадики, Беруний адабиётни халқ ҳаётининг инъикоси, унинг тафаккури меваси, деб тушунтирган . Адабий асарлардан илмий далил сифатида фойдаланиш Берунийнинг замонида ва ундан кейинларигача ҳам анъана ҳарактерида яшаб келган. Бу ҳолни Ал – Киндий, ҳамза Исфаҳоний каби олимлар асарларида ҳам кўрамиз, ҳатто, замондошимиз академик И. Крачковский ҳам қадимги араб географиясини тушунтирас экан, фолклорга мурожаат этганлиги бежиз эмас. Бизнинг улуғ алломамиз ҳам шу йўсин ўзидан олдин ўтган ҳамда замондош табиётшунос, адабиётшуносларнинг бадиий ижоддаги қарашларини танқидий назардан ўтказади. У келтирган мисоллар орасида алоҳида мисра, байтдан тортиб, бутун бошли шеърларгача бор. Улар мавзу ва мазмун жиҳатдан хилма – хил. Кўп ҳолларда биргина сўз исботи учун катор шоирлардан мисоллар келтирилади, ўзаро қиёсланади. Олим асарларида тилга олинган шоирлар сони бир юз элликдан ортиқдир. Кўпчилиги араб шоирлари бўлса ҳам, улар орасида Юнон, Рим, Ўрта Осиё ва Эрон адиблари ҳам анчагина. Беруний асарларида араб адабиётининг Абу Нувод, Имрул Қайс, Фараздак, Зуруммма, Абу Таммол, Ал – Бухтурий сингари классикларидан келтирилган кўпдан – кўп мисоллар билан бирга, номлари унчалик машҳур бўмаган ва ҳатто, кейинчалик ун тутилиб кетган муаллифлар шеърларидан ҳам намуналари учрайди. “Ал – жавохир” китобида исломгача яшаб ижод этган ўнлаб араб шоирлари, жумладан, Шарқда Мажнун номи билан машҳур Қайс ибн Мулавваҳ сахийликда номи дунёга достон Хотам ат – Тоий, Ибн Саъд ижодидан парчалар келтирилганлиги биз учун ҳайратомуз янгиликдир.

Ал – Беруний шоир ва адабларни диний эътиқодлари, миллий ёхуд ирқий белгиларига кўра ажратмайди. Башариятни ақлу идроки, инсонийлик даражасига қараб баҳолаган улуғ олим, истеъдод сохибларини – улар қайси халқдан, қачон етишиб чиққанликларидан қатъи назар – хурмат билан тилга олади. Мусулмон уламолари исломдан кейин яшаб, Мухаммад динини қабул қилган, уни куйлаган шоирларнинг тан олган бир даврда, Беруний сингари улуғ, илғор мутаффакирларнинг исломгача бўлган араб, форс, суғд адиблари ижодидан фойдаланишлари, уларни тарғиб этишлари зўр жасорат намунаси эди. “Осорул бокия”да Беруний Ўрта Осиё, Эрон, Хинд халқлари, қадимги араблар, яхудийларнинг кўхна маданиятини тадқиқ этади, улар моҳиятини тушунтиради. Имрул Қайс ибн Мулавваҳ каби “жоҳиляят” даври (исломгача бўлган даврни араб уламолари шундай номлайдилар – Н.К) шоирлари шеърларидаги илғор ғояларни юқсан баҳолайди. Инсон тафаккури, ақли ва истеъдодини, фан – маърифат ривожига хисса қўшувчи барча турдаги илмий – бадиий меросларни ҳар қандай диний хиссиётлардан юқори қўяди.

Умуман, Беруний асарларида у ёки бу муносабат билан давр характерини намоён этадиган, турли табака кишиларнинг яшаш шароитларини изохловчи шеър ва ҳикоялар кўплаб келтирилади. Хусусан, у меҳнат аҳлиниң оғир аҳволига ачинади. “Ал - жавохир”да олим денгиз тубидан гавҳар қидиувчиларнинг аянчли тақдирини тасвирилайдиган бир қанча шеърларни келтириб, батафсил шарҳлашдан ташқари уларнинг савдогарлар томонидан таланишлари воқеасини алам билан ҳикоя қиласди.

Х аср ислом дунёсида иккита адабиёт машхур эди – араб ва форс адабиёти. Бинобарин, Беруний араб адабиётининг қадимги даврларидан ўз замонигача ўтган шоир ва адиллар ижодидан хабардор бўлган, уларни илмий таҳлил этган, асарларидан фойдаланган.

Аммо улуғ олим самонийлар давлати шарофати билан қайта туғилиб, тарақкий топган форс тожик тилидаги адабиётдан жуда кам фойдаланган. Эҳтимол, бизгача етиб келмаган ва жуда кўпроқ ижтимоий – тарихий ҳарактердаги асарларда у, бу адабиёт ҳакида батафсил фикр юритгандир. Бироқ ҳозирча мавжуд асарларда шу мавзудаги дурустроқ маълумотни учратмадик. Аслида бундай Беруний форс тилидаги адабиётдан тамом беҳабар, деган хулоса чиқариш ярамайди. Тарихий – ижтимоий фактларга ҳам ҳамиша обектив ёндашган аллома уларни ҳаққоний узоқлаш баробарида, оташин ватан парвар сифатида, Ўрта Осиё ва Эрон маданиятини камситувчиларга қарши шавқатсиз кураш олиб борган. У араб босқинчиларининг маҳаллий маданиятларини барбод этишдаги ёвузыларини ғазаб билан қаламга олган. Жумладан, “Осорул бокия” асаридаги биргина манабу жумлага эътибор беринг: “Кудайба ибн Муслим ал – Боҳолий хоразмликларнинг китобларини ҳалок этиб, билимдонларни ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суюнадиган бўлдилар” (“Осорул бокия”).

Беруний араблардан анча илгари яралиб, тарақкий топган Ўрта Осиё ва Эрон ҳалқлари ёзуви, илми, адабиёти ва санъатининг кейинчалик араб маданияти шакланишидаги катта таъсири хусусида қайта – қайта таъкидлайди. Олимнинг “Осорул бокия” китобида қадимти Суғд ва Хоразм, Ҳурросон ва Эрон тарихи, илми ҳамда маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилган. Улкан адабиёт ёдгорлик “Авесто”, суғдлар китоби “Тўбўсто” ҳакида миф ва афсоналар, турли фолклор намуналарига оид қимматли фикрлар зикр эйтлаган. Чунончи, Зардўшт ва унинг китоби “Авесто” хусусида Беруний қуидаги қимматли маълумотни беради: “подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Авестони ўн икки минг қора мол терисига тилла билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон этиб, улар хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдирив юборган. Шунинг учун ўша вактдан бири Авестонинг бешдан уни ёқолиб кетган. Абесто ўттиз “паск” (қисм) эди, мажусийлар қўлида ўн икки “паск” чамаси қолди”.

Босқинчилар қачон ва қайси томондан келганларидан қатъий назар факат оғат келтирдилар. Улар талаб кетган моддий бойликлар ўрни тўлдирилди, вайроналар обод этилди, аммо, улар ёндириган маданий ёдгорликларни қайта тиклаб бўлмайди. У ҳалқларимиз тарихидаги энг битмас, оғир жароҳатдир...

Маълумки, Эрон шоҳлари тарихи дастлаб таҳлавий кейинчалик янги форс (дарий) тили ҳамда араб тилларида битилган. Ўнлаб “Шоҳнома”лар юзага келган. Улар орасида ёрқин адабий полотно даражасига кўтарилилганлари ҳам кўп бўлган. “Осорул бокия”да ана шундай “Шоҳнома”лардан бир нечтаси тилга олиб ўтилади. Улар бир – бирлари билан чоғиширилиб, танқидий назардан ўтказилади. Чунончи, Беруний одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги эронийлар афсоналарини қиёслаб ёзади: “Шоир Абу Али Мухаммад ибн Аҳмад ал – Балхий “Шоҳнома” асарида инсониятнинг бошланиши ҳакидаги бу ривоятни биз ҳикоя қилгандан бошқачароқ баён этган. У ўз хабарларини Абдуллоҳ ибн ал – Мукаффа, Мухаммад ибн Аҳмад Бармакий, Ҳошим ибн Қосим, Шопур шаҳрининг донишманди Баҳром ибн Мардоншоҳ ва Баҳром ибн миҳрон ал-Исфаҳонийнинг “Сиярул мулк” китобларида тўғирлаб, кейин мажусий Баҳром ал – Ҳиравий айтганларига солиширганлигини даъво қилган”.

Абу Али Балхийнинг бу асари наср ёки назмда, Фирдавсийдан олдин ё кейин ёзилганлиги ҳам номаълумдир. Аммо, Берунийдан аёнки, ундаги воқеалар баёни фирдавсий “Шоҳнома”сидан катта фарқ қиласи. Муҳаммад ал – Балхий Каюмарсни ер юзидағи Биринчи одам дейди. Унинг ҳам ҳаёти афсоналарга бой. Фирдавсий эса уни Биринчи Эрон подшоси сифатида тасвирлайди. Каюмарснинг Ахриман дев билан кураши нақл этилса – да, бунда реалистик тасвир воситаларидан самарали фойдаланилган.

Айтиш керакки, Беруний асарларида келтирилган шеърлар араб тилида бўлса – да, бу шеър муаллифларининг ҳаммаси ҳам араб шоирлари эмас. Улар орасида Эрон, Ўрта Осиё, Хурросон ва ҳатто, Византия, Испаниядан етишиб чиққан, аммо, араб тилида ижод этган шоирлар анчагина. “Ал - жавоҳир” китобида номлари зикр этилган Ҳамза ал – Исфаҳоний, Абубакр ибн ал – Ҳусайн Кўҳистоний, Абул Қосим ибн Бобак Журжоний, Мансур Муваррид Форисий, Ал – Гадўирий, Башшор ибн Бурд, Абу Мансур ас – Саолибий, Абубакр Хоразмий, Ал – Хотибий ибн Насровайҳ Самарқандий сингари кўпгина шоирлар ҳам араб, ҳам форс тилида ижод этганлар. Аксарияти Берунийга замондош мазкур арабийнавис шоирларимиз санъати уларнинг юксак истебод соҳиби бўлганликларидан дарак беради. Улар араб шеърияти тараққиётига, сўзсиз, улкан улуш кўшганлар. Х асрда яшаган машҳур шоир ва олим Абубакр Хоразмийдан келтирилган қуидаги байтлар бизни тасдиқлай қолсин (мазмуни):

Мен сени эсладим, ўлдузлар орасида гўё гавха,  
Донолари фируза далада сочишгандай бўлган бир пайтда:  
Улар (юлдузлар) парча – парча булуғлар орасидан худди  
Ёнаётган арфаж дарахти тутуни орасидан сачраб  
Чиққан учқунлардай ялтирайди.

Абубакр Хоразмий ҳаёти ҳам ижоди тўғрисида тарих ва тазкираларда етарли маълумот сақланиб қолмаган. Аммо, у ўз даврининг атоқли табиётшуноси, истебодли шоир эканлиги маълум. Беруний унинг илмий ҳамда ижодий фаолиятини юксак баҳолайди. У китобларида Абубакр Хоразмий шеърларидан намуналар келтиради, уларнинг поетик мазмуни, бадиий юксаклигидан завқ – шавққа тўлиб ҳикоя қиласи. Шоирнинг нафис байтлари, мураккаб санъат яратиш йўлида табиат унсурлари хусусиятларидан моҳирона фойдаланганлигини қайд этади. Шуниси қувончлики, Марказий Осиё арабийнавис шоирлари араб шеърияти анъаналари доирасида ижод этган бўлсалар – да, уларнинг асарларида маҳаллий ҳалқ рухи, турмуш тарзи барқ уриб туради. Таассуфки, бу шоирлар ижоди ҳозирги адабиётшунослигимиз дикқат марказидан ҳамон четда қолиб келмоқда. Эндилиқда машҳур классикларимиз билан бирга, арабийнавис аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ҳам изчил ўрганиш уларни таржимада ўзбек китобхонига етказиш адабиётшунослигимизнинг кечикириб бўлмас вазифаларидандир. Беруний асарлари бу борада Биринчи ва бош манбалардан бири хизматини ўташи табиий. Юнон фани ва маданиятини ўзлаштиришга ёшлигиданоқ бел боғлаган Беруний, дастлаб, Юнон тилини пухта ўрганади. Натижада, қадимги юнон шоир ва олимлари асарларини аслидан ўқиб, баҳра топади. Юнон фанининг араб, умуман, мусулмон дунёси маданияти тараққиётига таъсирини Беруний ўз асарларида қайта ва қайта қайд этади. Беруний юнон олимлари асарларининг арабча таржималаридан ҳам фойдаланган, албатта. Таржимага мурожаат этганида олим буни маҳсус таъкидлайди. Айрим ҳолларда қилган таржима даражасидан баҳс юритиб, аслига чоғиширади ва нуқсонларини кўрсатиб ўтади. Юнон олимлари китобларига у дастлабки эътиборли манба, деб қарайди. “Осорул боқия”да юнонистон тарихи, маданияти, илми тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтганидек, бошқа китобларида ҳам кенг мурожаат этади. Худди араб шеъриятидан фойдаланганидек, юнон шоирлари асарларидан ҳам илмий факт сифатида фойдаланади. Бу жиҳатдан Беруний улуғ Гомер асарларига алоҳида ҳурмат ва эътиқод билан қараган. Академик И.Караковский “Гомер ва Ал – Беруний” мақоласида, “Хиндистон” китобида келтирилган бир неча характерлари мисолларни “Одиссея” ва “Илиада” достонларига қиёслаш воситасида, Беруний Гомернинг ўлмас асарларини аслидан ўқиган, деган холосага келади. Чиндан ҳам, улуғ ватандошимиз “Хиндистон” китобида Омирдан деб келтирган мисолларнинг иккитаси

“Илиада” ва биттаси “Одиссея”дантир. Китобда хиндлар тасаввуридаги илохий мавжудотлар макони етти қават осмон тасвири баён этилгач, далилига ўтилади: «... ва шоир Омир дейди: “Сен осмонни худоларнинг адабий мусаффо маконига айлантиридинг. Уни шамоллар силкитолмайди, ёмғир юволмайди, қорлар маҳв этолмайди; аммо, унда, агар уни беркитадиган булутлар бўлмаса, ажойиб софлик бор”» (“Хиндистон”).

Беруний келтирган иккинчи иқтиbos Гомер поемаси тасвиirlарига яна хам яқинроқдир. Хиндлар инмон сезгиларини беш унсур – осмон, шамол, олов, сув ва ер билан боғлаб изоҳлар эканлар (осмонни эшитиш ва эшиитириш хусусиятига эга деб тушунганлар). Беруний уларнинг бу таълимотлари фанга тўғри келмасада, мазкур қарашиб юонларга хам мавжудлигини айтиб, фикрининг исботи учун Гомердан қўйидаги мисолни келтиради: “юонларнинг шоир Омир дейди: “Етти куйнинг эгалари сўзлайдилар ва бир – бирларига чиройли овоз билан жавоб берадилар”. У бунда етти сайёрани назарда тутган” (“Хиндистон”, ўша сахифа). И. Крачковский фикрича, Беруний бунда зикр этган етти сайёрани етти музга деб тушунмоқ керак. Шунда жумла, “илиада”даги қўйидаги мисранинг айнан таржимаси бўлиб чиқади.

Музалар бир – бирларига чиройли овоз билан  
куйлаб жавоб берар эдилар. (“Илиада”, И, 604)

Ал – Берунийнинг Гомердан келтирган учинчи иқтибоси қўйидагича. У хиндлар ва юонларнинг илохиёт ҳақидаги айrim тасаввурларини муқояса этаркан, юонлар хам баъзан фалак гумбазларини худоларнинг номи билан белгилаб тилга оладилар, дейди ва ёзади: «... чунки шоир Кратес фалак гумбазини Зевс деб атайди ва Омир хам айнан шундай деган: “Чопилган қор парчалари Зевсдан тушгани каби”» (“Хиндистон”). Беруний келтирган мазкур жумла “Илиада”да қўйидагича (мазмуни):

Қор, Зевсдан, худди кесилган парчалардай  
Зич учиб келмоқда. (“Илиада”, XIX, 357)

Академик И. Крачковский маълумотларига кўшимча равища, шуни айтиш лозимки, Беруний Гомер асарларига бошқа китобларида хам мурожаат этган. Олим “Ас - Син” (“Геодезия”) китобида қадимги Миср шаҳарларидан бири Мейиснинг дастлабки номи Фива эканлиги кўрсатиб, уни қўйидагича далиллайди: “Шоир Омир, янги давр кишиси, Миср маданияти куртаклари ҳақида гапириб, Мисрни (яъни Мейисни – Н.К.) ўз шеърларида Фива деб атайди”. Яна Беруний дастлабки асарларидан “Осорул бокия”да шоирнинг туғилган йили, яшаган даврини кўрсатиб, уни атоқли араб шоир Имрул Қайс билан тенглаштиради: “Афротоковус подшоҳлигининг қирқ иккинчи йил бир юз олтмиш еттинчи кунида, арабларнинг Имрул Қайси сингари илғор юон шоир Омирус туғилган”.

Аллома, асарларида яна бошқа юонон шоирлари (жумладан, Карс номли шоир) хам тилга олинади, уларнинг шеърларидан намуналар келтирилади. “Хиндистон” асаридаги шеърий вазн тиҳлилига багишланган бобда, ҳатто, юонон шеъриятининг баъзи жиҳатлари очиб берилади: “Юонларнинг китобларидан тушунишимга кўра, улар шеър оёқларини белгилашда хиндлар йўлидан борганлар. Жолинус ўзининг “Қатожанус” китобида шундай дейди: “Менекратус юзага чиқарган турли ширлар воситасида тайёрланган дорини Демократус вазнга тушурилган уч мисрали шеърда тавсиф этган”. Маълум бўладики, Берунийгача хам юонон олимлари шеъриятдан илмий хуносаларни баён этишда фойдаланганлар. Бу усул, Беруний қайд этганидек, юонлардагина эмас, хиндлар, араблар, суғдлар ва хоразмликларда хам кенг кўлланилган. Шеърий шакл билимни осон ўзлаштириш, хотирада узоқ сақланишига имкон туғдирган. Кўчманчи араблар, астрономияни авлоддан – авлодга етказиб келганлар. Айтиш керакк, ҳатто, XX аср бошларида бизда хам тил ва тилшунослик, адабиётшунослик, астрономияга оид тушунчаларни баён этувчи шеърий китоблар яратилиб, улар болаларни ўқитишга мўлжалланган эди.

Алқисса, юқоридаги мисолни Беруний юонларнинг илмни баён этишдаги шеър имкониятидан фойдаланишларини кўрсатиш учунгина келтирган эмас. Бундан мақсад юонон шеърияти тузилишининг хинд шеъриятига яқинлигини кўрсатишидир. Демак, Беруний Гомер асарларинигина эмас, балки бугун юонон шеъриятини яхши билган, ўзига

хос хусусиятларини чуқур тушунган, бошқа халқлар шеърияти билан ўхшашикларини очган.

Абу Райҳон Берунийнинг адабиёт соҳасидаги чуқур билими, шеърни тадқиқ этиш усули, диди эстетик қарашлари унинг Абул Қосим Амидий билан қилган мунозарасида янада ёрқирроқ номоён бўлган. Абу Қосим Амидий Беруний замонида яшаган атоқли адабиётшунос эди. У ўзининг “Ал – Муваззана” асарида Абу Таммом ва Ал – Беруний шеърларни қиёслаб ўрганар экан гарчи шоирларнинг ҳар иккаласини ҳам бадиий тасвирларни мураккаблаштиришда айибласа – да лекин, кўпроқ Абу Таммомни танқид қиласди. Ҳатто, баъзан уни ноҳақ камситиб, шеърларини нотўғри изоҳлади. Беруний Абулқосим Амидий китобидан “Ал – жавоҳир” мазмунига алокадор қисмини келтириб, танқидчининг хато фикрларини илмий кузатишлар асосида рад этади. Абу Таммомни химоя қиласди.

Абу Райҳон Беруний адабиётдан илмий манба сифатида фойдаланганидек, унинг (адабиётнинг) борлиқни акс эттиришдаги ўзига хослигини таъкидлаши бизни қўйдагича хulosалар чиқаришга ундейди. Аввало, олим фанни ҳам, адабиётни ҳам борлиқнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши, табиат ва жамият хоссалари, қонун – қоидаларининг тафаккурда шаклланган кўринишлари деб тушунади. Шунинг учун, у фан билан бадиий ижод орасида яқинлик қўради. Адабиёт далилларини илмий далил сифатида қабул қилиб, муҳокама ва мунозара обьектига айлантиради. Айни пайтда, у борлиқнинг инсон онгидаги инъикоси бўлмиш бу икки соҳа ўртасида катта фарқ ҳам мавжудлигини қайта – қайта уқтиради. Бунда олим шундай хulosага келадики, адабиёт, жумладан, шеъриятнинг фандан асосий фарқи унинг (шеъриятнинг) инсон руҳини, яна ҳам аниқроғи, борлиқнинг инсон онгига таъсирини ва шундан келиб чиқадиган ҳолатларни тасвирлашидадир. Бу фикр, фан борлиқни формулалар, силлогизм ва илмий муҳокамалар орқали тушунтирганидек, бадиий адабиёт образлар орқали тушунтиради, деган таърифга анча яқиндир. Олимлар ашё ва ходисалар хусусиятларини бевосита баён этсалар, тушунтирсалар, шоирлар унинг киши руҳига кўргазган таъсирига қараб ёзадилар, ўз қабилаларининг тушунчаларини ифодалайдилар, деганда Ал – Беруний айни шу маънони кўзда тутган бўлса, ажаб эмас.

Берунийнинг адабий далилга обьектив ёндашиши, шеърларни аниқ ва ҳаққоний баҳолашини “Хиндистон”, “Осорул бокия” сингари бошқа асарларида келтирилган мисоллардан ҳам билса бўлади. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида Ҳамза Исфаҳоний, Халил ибн Аҳмад (аруз вазни асосчиси), Ал – Мўтазз (илми бадеъ асосчиси), Ибн Дурайд, Абул Хайр ибн Ҳасан, Абу Мансур Саолибий, усмон ибн Жинний, Яхё Нухфий сингари ўнлаб адабиётшунос олимлар асарларидан фойдаланган, улар қарашларини танқидий ўрганган.

Аммо буюк олимнинг филология, айниқса адабиётшунослик соҳасидаги хизматлари то ҳануз етарли даражада ўрганилмаган. Ваҳоланкий, Беруний истеъододли шоиргина эмас (у араб тилида шеърлар ёзган) балки шеъриятини нозик тушинадиган, уни таҳлил ва тадқиқ этувчи олим сифатида ҳам ўз даврида ном қозонган. Ёкут ҳамавий (ХII аср) шеър битиш билан шуғулланган машҳур табиатшунос олимлари ичидан “Муъжамул удаво” (“Адиблар тўплами”) тазкирасига Абу Райҳон Берунийнинг танлаб киритар экан, унинг араб шеършунослигида хизматларини алоҳида таъкидлайди. Шарқшунос олимларимиз У. Каримов, А. Қаюмов, А. Ирисов Беруний меросининг ана шу жиҳатига бағишлиланган айrim мақолаларини эълон эттиридилар. Бироқ бу мақолаларни қилинажак катта ишларнинг бошланиши, деб қараш керак. Чунки Берунийнинг тил, луғат, адабиёт ва айниқса, шеъриятшуншуносликдаги қарашлари йирик, умумлаштирувчи илмий – тадқиқотни талаб қиласди. Тўғри, алломанинг араб шоир Абу Таммом ижодига бағишилаган икки рисоласи (“Абу Таммом ашъорига шарҳ” ҳамда “абу Таммом ижодида алиф билан тугалланадиган қофияли шеърлар”), умуман, шеърият таҳлилига оид яна икки китоби (“Эътиборли кишилар шеъриятидаги фикрларни тушунтириш китоби”, “Танланган шеърлар ва асарлар”), шунингдек, форсчадан араб тилига ўтирган таржималари “Қосимус сурур ва Айнулҳаёт”, “Хурмуздёр ва Мехрёб”, “Додмоҳ ва Киромидухт”, “Вомиқ ва

Узро”, “Бомиённинг икки санами”, “Нилуфар”қиссаси ҳамда “Дабистий билан Борбаҳокор хикояси” ҳали топилганича йўқ. Бироқ ана шу рўйхатнинг ўзи ҳам (бунинг устига олимнинг ўз ашъорини ҳам қўшсак) Беруний бадиий ижод билан анча кенг шуғулланганлиги, адабиёт масалалари уни доимо қизиқтириб турганлигини кўрсатади. Олимнинг асосий филологик асарлари бизгача етиб келмаганлигидан биз унинг текшириш методи, кузатишлари ва холосаларидан бехабар бўлсак ҳам, бизгача етиб келган меросиёқ алломанинг зукко адабиётшунос ҳам тилшунос эканлигидан далолат беради. Беруний “Осорул боқия”, “Сайдона”, “Ал – жавоҳир” китобларида ўнлаб араб шоирлари билан мисоллар келтиради. “Сайдона”, “Ал - жавоҳир” асарларида икки мингдан зиёд сўз ва терминлар устида тўхталиб, уларнинг этимологияси ўрганилган, қиёсланган, таржима қилинган. Берунийнинг тил соҳасидаги кузатишлари, поетикага оид фикрлари жуда қизиқарли ва биз учун ҳам қимматлидир.

Бадиий таржима Абу Райхон Беруний ижодий фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Араб, форс, сугъдий, хоразмий, сурёний, яҳудий, ҳинд ва юонон тилларини яхши билган олим кенг қўламда таржимачилик билан ҳам шуғулланган. Зотан, унинг мавқеи, ўзини бағишлаган соҳаси ҳам шуни тақозо этарди.

Аллома яшаган даврда таржимачилик жуда авж олган бўлиб, қадимги юонон, рим ва эрон халқлари фан – маданият ёдгорликлари араб тилига кўплаб таржима этиларди.

Араб ҳалифалиги жуда кенг территорияда империяни вужудга келтиргач, фан ва маданиятни ривожлантиришга аҳамият беради. Араблар Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа мамлакатлардан ўзлаштирилган илму фан ёдгорликлари билан чекланмасдан, юонон ҳамда рим маданиятини ўрганишга астойдил киришдилар. Бу борада Биринчи навбатда, таржимадан кенг фойдаланилади. Бағдод ва Куфа шаҳарларида давлат назорати остида мунтазам режа билан иш олиб борадиган таржимонлар бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида, ҳалифаликнинг бошқа шаҳарларидан ва чет эллардан маҳсус истеъодод соҳиблари таклиф этилди. Натижада, араблар ўзларигача турфа тилларда яратилган илму фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп нодир китобларга эга бўлдилар. Ана шу таржималар орасида адабий асарлар ҳам йўқ эмас эди.

Абу Райхон Беруний фан асосларини эгаллашда мазкур таржималардан фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам турли тиллардан таржималар қилган. Шубҳали, ишончсиз таржималардан воз кечиб, асл манбалар устида иш олиб борган.

Беруний турли фанларга оид китоблар билан бирга, юқорида келтирганимиздек, “Вомиқу Узро”, “Қосимус суур ва Айнулҳаёт”, “Хурмуздёр ва Мехрёб”, “Бомиённинг икки санами”, “Додмоҳ ва Киромидухт”, “Нилуфар” сингари киссаю достонларни ҳам форс тилидан таржима қилганки, олим уларни ўз асарлари қатори “Фехраст” (ёзган асарлари рўйхати)да “қизиқарли ва қўнгилочар” хикоялар сифатида алоҳида қайд этган.

Беруний таржимачилиқдаги энг маҳсулдор даври, унинг Ҳиндистонда яшаган пайтига тўғри келади. У бу ерда таржимадан икки томонлама фойдаланган. Биринчидан, ҳинд китобларини арабчага ўғириб, ҳинд халқини ислом дунёси билан таништиrsa, иккинчидан ҳиндлар ҳали қўлга киритолмаган китобларни юонон ва араб тилларидан санскритга қайтариб, ҳинд фани ривожига хисса қўшган. Аллома бу ерда ўзидан олдин таржима бўлган асарларни танқидий ўрганиб, камчиликларини кўрсатади. Чунончи, “Ҳиндистон” китобини кўздан кечирар эканмиз, унинг бир неча жойларида: “Шу фаслда таржимачи баъзи сўзларни қоришириб юборган” қабилидаги кўплаб танқидий фикрларни учратамиз. Бу жиҳатдан олимнинг машҳур ҳинд эртаклари “Калила ва Димна” таржимаси тўғрисидаги фикрлари диққатга лойиқdir: “Ўзимча”, “Калила ва Димна” номи билан машҳур “Панчтантра” деган орзуим бор. Чунки у китоб, Абдулло ибн ал – Муқаффа каби, ўзгартириб юбормасликларига инониб бўлмайдиган бир гурух кишилар тили билан ҳиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиниб келинди. Абдулло ибн ал – Муқаффа “Калила” китобига ўзидан Барзовайҳ бобини қўщди. Бундан мақсади, динга эътиқоди кучсиз кишиларни шак – шубҳада қолдириш, уларни маннония мазҳабига чақираётганларга зарба бериш эди. Ортиқча боб қўшиб ишончсиз бўлган киши, таржимада ҳам ортиқча ишончсизликдан четда қолмайди”.

Ал – Муқаффа IX асрда яшаган етук олим ва таржимонлар. Аслида эронлик бўлган бу киши қадимий форс маданиятининг ашаддий тарғиботчиси эди. У шунинг учун ҳам халифа томонидан қатл этилган. Ал – Муқаффа “Калила ва Димна”дан ташқари, яна бир қанча бадиий – тарихий китобларни форсчадан араб тилига ўгирган. “Калила ва Димна”ни таржима қилишда сосоний шоҳларининг илму фанга, ҳикматга бўлган мойилликларини, уларнинг давлат тузишдаги маданиятларини араб дунёсига кенг ёйишни мақсад қилиб қўйган. Худди шу мақсадда асарга Барзоъ (Барзовайх) тўғрисидаги бобни киритган.

Гап шундаки, Нўширавоннинг маҳсус фармони билан Ҳиндистонга борган донишманд ҳаким Барзоъ “Панчтантра” китобини кўчириб келиб, паҳлавий тилига таржима қилган. Абдулло ал – Муқаффа Барзоъ ҳақидаги ана шу ҳикоятни китобга алоҳида бир боб тарзида қўшишдан ташқари, асарнинг бошқа жойларини ҳам ўзгартирган. “Калила ва Димна” худди ана шу арабча нусхасидан дунёга тарқалган. Абу Райхон Берунийнинг жаҳон тиллари, улар орасидаги фарқлар, лугат, сўз ва иборалар этимологиясига оид мулоҳазалари ҳам таржима ҳақидаги фикрларига ҳамоҳанг бўлиб уларни тўлдиради. Чунончи, тилларни бир – бири билан солиширилар экан, аллома икки тил орасидаги фарққина эмас, балки бир тилдаги шевалар ҳам таржимада катта қийинчиликлар туғдиришини, бу фарқларни аниқ билмаган таржимон, албатта, хатога йўл қўйишни таъкидлайди.

Кузатишларимиз кўрсатадики, Юнонистон, Эрон, Ўрта Осиё, ҳинд ва араб маданияти ютуқларини жамлаб, бу улкан ақлий ҳосилани паҳлавоний қудрат ила янгидан юқори босқичга кўтариб синтезлаштирган, ажойиб қашфиётлари билан уни бекиёс даражада бойитган Абу Райхон Беруний адабий мероси, бадиий – эстетик қарашларида ҳам ана шу жаҳоний омухталиқ, кенг қамровли серкірралик зухур этгандир. X – XII асрлар адабий ҳаёти кўзгуси эрмиш ушбу бадиий – назарий мерос туркий адабиётлар, араб ҳамда форс – тожик адабиётлари тарихига бирдай тааллуклидир. Шунга кўра, биз улуғ ватандошимиз ижоди ҳамда илмий фаолиятини шунчаки ўрганиш нуқтаи назаридангина эмас, балки ўзбек ватандошимиз ижоди ҳамда илмий фаолиятини шунчаки ўрганиш нуқтаи назаридангина эмас, балки ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихи нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этишимиз лозимдирки, аллома қарашлари қиёсий адабиётшунослик, адабий алоқа тарихини ёритишда фоят муҳимдир.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Абу Райхон Берунийнинг шарқ тилшунослигига оид қандай асарлари бор?.
2. Абу Райхон Берунийнинг шоирлик фаолияти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
3. Абу Райхон Берунийнинг жаҳон шарқшунослигига тутган ўрни қандай?
4. Беруний таржимашуносликда қандай ишларни амалга оширган?

#### **Адабиётлар:**

- Фозилов Э. Шарқнинг машхур филологлари. Т., 1971.
- Хайруллайев М. Абу Наср Форобий. Т., 1961.
- Ўринбойев Б. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Самарқанд, 1999.
- Нурмонов А. ЎзбАраб тилшунослигининг ривожида ўрта осиёлик тилшунослярнинг хизмати

## ГЛОССАРИЙ

**АГГЛЮТИНАТИВ ТИЛЛАР.** Сўз ясалиши ва шакл ясалиши агглютинатив йўли билан бўладиган тиллар. Mac., туркий тиллар, фин-угор тиллари.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** (лот. Agglutinare - ёпиштирумок). 1. Сўз ясалиш ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши). Бунда ҳар бир аффикс маълум бир маъно, вазифа билан қатнашади. Mac. Туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шакллари асосига маълум изчиллик билан аффикслар кўшиш орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси билан қатнашади: тер-им-чи-лар-имиз-га.

**АДАБИЙ МЕЬЁР.** Тил бирликларининг адабий тил қоида-талабларига мос ҳолда, намунавий тарзда қўлланилиши, тилнинг адабийлигини таъминловчи воситаларни белгиловчи меъёр.

**АДАБИЙ ТИЛ.** Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакл. Адабий тилининг икки шакли бор: 1) ёзма шакли, 2) оғзаки шакли.

**АКАДЕМИК ГРАММАТИКА.** Мамлакатнинг асосий илмий ташкилоти – Фанлар академияси томонидан нашрга тайёрланган илмий грамматика. Mac, “Фан” нашриёти томонидан 1975-1976 йилларда нашр этилган икки жилдлик ‘Ўзбек тили грамматикаси’.

**АКСЕНТ** (лот. accentus - урғу). Бошқа тилда сўзлагандан, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тил товушлари каби талаффуз этиш: ўзбекча аксент билан гапирмок..

**АЛИФБО.** Ёзув шаклларининг (харф ва белгиларнинг) мажмуи, маълум тартибда жойлашган ҳолати: ўзбек алифбоси.

**АЛФАВИТ** (юнон алифбосидаги биринчи иккинчи харфнинг номи (аипҳа ва бета) дан) – к.. **АЛИФБО**

**АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК.** Тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (mac. Машина таржимаси) ҳал этишни хисобга олган ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалар (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).

**АМОРФ ТИЛЛАР** (юн. Amorphos – шаклсиз, шаклга эга бўлмаган). Аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алокалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Mac., хитой тили.

**АНАЛИТИК ТИЛЛАР** (юн. Analytikos – ёйик, ёйилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) сўз шакллари (шакл ясовчи қўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланадиган тиллар. Mac. Инглиз. Франсуз, испан тиллари анализтик тиллар гурӯҳига киради. Киёс. **Синтетик тиллар**.

**АНОМАЛИЯ** (юн. anomalia – меъёрдан четлашиш; нотўғрилик). Умумий стандарт типга мувофиқ келмайдиган, меъёрдан четлашадиган шакл, тузилма ва б.

**АНТИК ГРАММАТИКА.** Антик филологлар томонидан қадимги тиллар асосида яратилган, лекин умумийликка эга бўлмаган грамматик қонуниятларни очиб берадиган грамматика деб тасаввур қилинувчи грамматика.

**АНТОНИМИЯ.** Тил бирликларининг семантик жиҳатдан ўзаро зид, қарама – қарши бўлиш ҳодисаси: Лексик антонимия. Аффиксал антонимия. Синтактика антонимия. К. **Антонимлар**.

**АНТОНИМЛАР** (юн. анти –карши, зид; онима - ном). ўзаро зид, қарама – қарши маъноли тил бирликлари: катта-кичик, баланд-паст, узок-яқин, яхши-ёмон (лексик антонимлар); -ли -сиз; қумли-қумсиз (антоним аффикслар); эсига келмоқ – ёдидан кўтарилимоқ, кўнгли очиқ – кўнгли қора (фразеологик антонимлар) ва б.

**АНТРОПОЛОГИК ЛИНГВИСТИКА** (юн. anthropos – одам; логос - таълимот). Тилшуносликнинг ўз ёзувига эга бўлмаган тилларни ўрганувчи бўлими.

**АНТРОПОНИМ** (юн. antropos – одам, онума - ном). кишининг атоқли оти, исм.

**АНТРОПОНИМИКА.** Лексикалогиянинг (ономастиканинг) киши номларини ўрганувчи бўлими.

**АНЬАНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК.** Тилшунослиқдаги факат тил қисмлари ва тузилишининг ички муносабатларини, боғлиқликларини ёритиш билан бирга тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан, шу тилда сўзлашувчи жамоа билан алоқаси каби масалаларни ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналишлар. Бу йўналишларга структурализм ўзини қарама-қарши қўяди. К. Структурализм.

**АРГО** (фрас. Argot - жоргон). Ясама тил. Бирор ижтимоий гурӯх, тоифанинг (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар в.б.) ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат тил ясама тили. Мас., колхоз – чиптасиз йўловчилар (хайдовчилар тилида).

**АРЕАЛ** (lot. arēalis\ агэа – майдон, макон). Фонетика, лексик, грамматик ҳодисаларнинг тарқалиш доираси. К. Изоглосса, Лингвистик география.

**АРЕАЛ ЛИНГВИСТИКА.** 1. Тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси.

2. Тилшунослиқда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

**АРТИКУЛЯТСИЯ** (лот. articulatio/ articularə – аниқ-равшан айтмоқ). Нутқ аъзоларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати. Товушларнинг ҳосил бўлишида нутқ аъзоларнинг иштироки, ҳолати нуктаи назаридан артикулятсияда икки нарса фарқланади: 1) артикулятсия ўрни (қ), 2) артикулятсия усули (қ). Жараён сифатида артикулятсиянинг уч фазаси фарқланади: 1) приступ (қ), 2) видержка (қ), 3) отступ (қ.).

**БАДИЙ УСЛУБ.** Функционал услубнинг турларидан бўлиб, у тилнинг каммуникатив ва эстетик вазифаларнинг бирлиги билан, бошқа услубларга хос унсурлардан кенг фойдаланиши, экспрессив ва тасвирий воситаларнинг кенг қўлланиши ва ш.к. белгилари билан ажralиб туради. К. Услуб.

**БИЛИНГВИЗМ** (лот. bi/ bis – икки марта + lingua - тил) – айн. Икки тиллилик.

**БИР ТИЛ ЛУГАТИ.** Сўзлиги ва унга бериладиган таъриф тавсифлар бир тил (ўз тил) материалидан бўлинадиган лугат. Бундай лугатлар **бир неча турга эга**. Мас. *Изоҳли лугат* (қ), *имло лугати* (қ), *синонимлар лугати* (қ) ва х. Қиёс. Икки тилли лугат.

**БОБО ТИЛ.** Генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиш манбаи тикланадиган мавхум лингвистик модел.

**ВОСИТА ТИЛ.** Миллатлар, элатлар орасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиласидиган тил.

**ВУЛГАРИЗМЛАР** (лот. vulgaris – оддий, содда) – қ. Дағал сўз, Дағал ибора.

**ГАЛЛИСИЗМ** (лот. gallicus). Француз тилидан ўзлашган, лекин ёт элемент экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора: мерси, пардон каби. К. Варваризм.

**ГЕРМАНИЗМ** (лот. germanus - герман). Герман тилларидан ўзлашган, лекин ёд унсурлар экани сезилиб турадиган сўз ёки иборалар: денди, мисс ва б.

**ГЛОССАРИЙ.** Бирор асар, айниқса қадимги асарлардаги эскирган ва кам қўлланадиган, тушуниши кийин бўлган сўзлар изоҳланадиган лугат.

**ГЛОТТОГОНИК ЖАРАЁН.** Тилнинг пайдо бўлиш ва тараққиёт жараёни.

**ГРАММАТИКА** (юн. grammatikə – ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати). 1. Тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Ўрганиш манбаи, материали ва вазифаси нуктаи назаридан грамматиканинг бир неча тури фарқланади: 1) тарихий грамматика (қ); 2) тавсирий грамматика (қ); 3) формал грамматика (қ). Ўзаро қардош ёки қардош бўлмаган тиллар грамматик қурилишни солишириб ўрганишига кўра грамматиканинг икки тури фарқланади: 1) чоғиширма грамматика (қ); 2) киёсий грамматика (қ).

**ГРАФЕМА** (юн. graphē – шакл, сурат). Ёзув бирлиги. Бундай бирлик сўздаги, гандаги ўрнига кўра, услугуб ва х.га қараб, катта ва кичик шаклига (A, a), қора ва курсив

шаклига (а, а) эга ва х. Графема бир товушнинг ҳам, икки ёнма-ён товушнинг ҳам ифодаси бўлиши мумкин. Mac. ё (й + о), е (й + э), ю (й + у), я (й + а) графемалари.

**ГРАФИКА** (юн. graphikэ - ёзма). 1. нутқ товушларини ёзиб ифодалаш воситаларининг муайян тизими: рус графикаси, араб графикаси.

**ГРЕСИЗМ.** Грек (юонон) тилидан ўзлашган, лекин ёт унсур экани сезилиб турдиган бирликлар (сўз, избора ва б.). К. **Варвазизм.**

**ДЕСКРИПТИВ ЛИНГВИСТИКА** (ингл. Dэscriptivэ - тасвирий). Ҳозирги тилшунослиқда америка структурализми деб номланувчи йўналиш. Бу йўналиш тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив метод асосида ўрганади. К. **Структурализм. Дистрибутив метод.**

**ДИАКРИТИК БЕЛГИ** (юн. diakritikos - фарқловчи). Ҳарфга қўшимча равища бириктирилиб, бошқача товушни кўрсатувчи ҳарф ҳосил қилишда қатнашадиган белги. Mac. ё ҳарфидаги икки нукта, к ҳарфидаги остки белги ва б.

**ДИАЛЕКТ** (юн. dialéktos – шева, лаҳжа). Умумхалқ тилининг сон жиҳатдан кам бўлган, бироқ худудий, касб-хунар ва б. жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар томонидан кўлланадиган кўриниши. К. **Касб-хунар лексикаси. Сотсиал диалект, Маҳаллий (худудий) диалект. Қиёс. Лаҳжа, Шева.**

**ДИАЛЕКТАЛ ЛУГАТ.** Тилнинг диалектал ва шеваларига хос фонетик ёки маъно жиҳатдан адабий тилдагина фарқ қиласиган сўзларни қайд этадиган лугат (mac. “Ўзбек халқ шевалари лугати”. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1971).

**ДИАЛЕКТИЗМЛАР.** Бирор диалектга хос бўлган тил бирликлари. Диалектизм сўз, избора ёки бошқа бирликлар бўлиши мумкин. Mac. жаман (ёмон), чоч (соч) – фонетик диалектизм; патинжон (памидор), болиш (ёстиқ) – лексик диалектизмлар; кўчага кўрдим (кўчада кўрдим) – грамматик диалектизм ва х.

**ДИАЛЕКТОЛОГИЯ** (юн. dialéktos – шева, лаҳжа + logos – тушунча, таълимот). Тилшуносликнинг диалект, лаҳжа ва шеваларни ўрганувчи бўлими.

**ДИАХРОНИЯ** (юн. dia – орқали + chronos – ваqt). Айрим тил ҳодисаларининг, уахлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик о‘рганиш манбаи сифатида. Қиёс. **Синхрониуа.**

**ДИСТРИБУТИВ МЕТОД.** Структурал лингвистикада тил унсурларини муайуан тилга хос қону-қоидалар асосида бо‘лиш методи.

**ДОМИНАНТА** (лот. dominans, dominantis - ҳоким). Синонимик қатордаги bosh со‘з: бу со‘з синонимик қатордаги со‘злар учун умумий бо‘лган денотатив ма’нони ифодалайди. Mac. уиз – бет – афт – bashara – чеhra – жамол – дийдор – ораз – узоq – ruҳсor синонимик қаторида уиз со‘зи доминанта ҳисобланади.

**ДУБЛЕТЛА** (фран. Doublët / doublэ - иккили). Бир хил (тент) семантик таркибга эга бо‘лган тил бирликлари. Mac. тилчи – тилshунос, адаб – одоб, арзидиган – арзирли ва б. Q. **Абсолуит синонимлар, вариант.**

**ЁЗУВ.** 1. Нутқни қоғозда (ёки бoshка нарсада ) акс еттириш учун хизмат қиласиган ҳарфий график shакллар тизими, shy тизимга асосланувчи алоқа воситаси

**ЁРДАМЧИ СО‘ЗЛАР.** Мустақил ҳолда гап бо‘лаги вазифасида кела олмайдиган, турлича ёрдамчи ма’но ва вазифаларда со‘лланадиган со‘злар. О‘збек тилида ёрдамчи со‘злар ма’но ва вазифасига ко‘ра уч турга бо‘линади: 1) ко‘макчи (q.); 2) бод‘ловчи (q.); 3) уйклама (q.).

**ЁРДАМЧИ ФЕ’ЛЛАР.** Ёрдамчи вазифасида со‘шма фе’л ҳосил қилиш, фе’лнинг аналитик shаклини yacash учун хизмат қиласиги, shyнингдек бод‘лама вазифасини бажарувчи фе’ллар. Улар о‘з вазифасига ко‘ра уч турга бо‘линади: 1) со‘шма фе’л ҳосил қиласиги ёрдамчи фе’ллар : qил, айла, эт, бо‘л, қабул қилмоq, руҳсат этмоq каби; 2) фе’лнинг аналитик shаклини ҳосил қиласиги ёрдамчи фе’ллар (булар одатда ко‘макчи фе’ллар деб уртилади): boshла, чиq, уйбор ва б.: кела boshлади, о‘шиб чиқдим, со‘раб ко‘р, ииқитиб уйборди каби; 3) бод‘лама вазифасини бажарувчи ко‘макчи фе’ллар. Mac., бо‘л: инжинер бо‘лмоq.

**ЖАРГОН** (*фран.* *жаргон*). Бирор гурун вакилларининг, о‘з нутси билан ко‘пчиликдан ажралиб туриш мақсадида, о‘зича мазмун бериб исхлатадиган со‘з ва иборалари. Mac., *новча* (ароқ), *қизил* (вино) – ичувчилар нутцига хос; *тод‘амнинг о‘г‘ли* (милиционер, инспектор) – shoфёрлар нутцида.

**ЖОНЛИ ТИЛ**. 1. Бирор халқнинг алоқа қуроли сифатида хизмат қилиб турган тили. Зид. *О‘лик тил*.

**ИБОРА.** 1.айн. **Фразеологик бирлик.**

2. О‘зига хос услугбий, диалектал ва б. хусуси уатга эга бо‘лган со‘з, со‘збирикмаси ва sh.к.нинг умумий номи: *Болаларга хос ибора*. *Образли ибора* каби.

**ИДЕОГРАММА.** Идеографик ёзувда со‘з англатадиган тушунчани ифодалаш учун со‘лланадиган шартли белги — символ.

**ИДЕОГРАФИК ЁЗУВ.** Идиограммалар асосида ёзув. *Q*. Идеограмма

**ИДЕОМА** (*үин.* Идиома — о‘зига хос ифода, ибора) —айн . **Фразеологик чатишма.**

**ИДИОМАТИКА.** 1. Бирор тилнинг идиомалари мажмуи; 2. Тилшуносликнинг идиомаларни ўрганувчи бўлими; иборашунослик.

**ИЕРОГЛИФЛИК ЁЗУВ – айн. Идеографик ёзув.**

**ИЕРОГЛИФЛАР** (*үин.* hīeroglīərphōi - муқаддас ёзувлар). Бутун бир сўз, бўғи ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиласидиган график ифодалар.

**ИЖТИМОЙИ ДИАЛЕКТ.** Муайан ижтимоий гурух кишилари фойдалнадиган диалект.

**ИЗОНЛИ ЛУҒАТ.** Лугавий бирликнинг маъноси (маънолари) кенг изоҳланадиган, грамматик, услугбий ва б. белгилари хам қайд этиладиган луғат. Mac. 1980 йилда нашр этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати».

**ИККИ ТИЛЛИЛИК.** Икки тилда бемалол фикрлаша олиш; икки тилни бир хилда эгаллаганлик; зуллисонайнлик.

**ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТ.** Бир тилнинг лугавий бирликлари бошса тилга таржима қилиб бериладиган лиғат. *Q*. Таржима луғат. *Quёс.* **Бир тилли луғат.**

**ИЛМИЙ ГРАММАТИКА.** Назарий фикр-ғоуаларнинг сўнгти уитуqlарига мувофиқ қаратиладиган грамматика. *Q*. Грамматика.

**ИЛМИЙ УСЛУБ.** Функционал услубнинг бу тури терминологик ва мавхум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларининг қўлланиши, сўзларнинг асосан конкрет, тўғри маънода қўлланиши, маҳсус ибораларга эгалиги ва ш.к билан ажралиб туради. Илмий услуг ўз ичидаги майда услубларга бўлинади: **илмий техник услуг, илмий иш услуг, илмий-оммабон услуг, илмий-публистик услуг.**

**ИМЛО.** Сўз ва унинг маъноли қисмларини ёзиш (қўшиб ёзиш, ажратиб ёзиш, чизиқча билан ёзиш,), бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш, шунингдек, бўгин қўчириш қоидалари тизими. Сўз ва унинг маъноли қисмларининг ёзилиши бир неча принсип асосида қоидалаштирилади. *Қ.* Имлонинг морфологик принсиби. Имлонинг фонематик принсиби. Имлонинг фонетик принсиби. Имлонинг анъанавий принсиби.

**ИМЛО ЛУҒАТИ.** (*орфографик луг‘ат*). Сўзларнинг мавжуд имло қоидаларига биноан тўғри ёзилишини қайд этувчи луғат. Mac., мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб тузилган «Имло луғати» («Ўқитувчи» нашриёти, 1964); С. Иброҳимов, Э. Бегматов ва А. Аҳмедовлар тузган «Ўзбек тилининг имло луғати» («Фан» нашриёти, 1976).

**ИНТЕГРАТСИЯ.** (*лат.* integratio – бутунлашиш, бирлашиш). Тиллар шунингдек, диалектларнинг ўзаро ноўхашликлари йўқола бориб, бир умумий тилга бирлашиши. *Қиёс.* Дифференсиация.

**ИНТЕРЛИНГИВИСТИКА.** Тилшуносликнинг халқаро алоқалашув воситалари сифатида турли ёрдамчи тилларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганувчи бўлими.

**КАЛЛИГРАФИЯ.** (*үин.* kalligraphia — чиройли дасхат) — q. **Нуснихат.**

**КОМПАРАТИСТИКА** (*лат.comparativis* — қиёсий) — қ. **Қиёсий-тарихий тилшунослик.**

**КОНТЕКСТ** (*лат.contextus* — яқин алоқа, бирикиш, күшилиш) — қ. **Нутқий матн**

**КРИПТОГРАФИЯ** (*юн.kryptos* — маҳфий, яширин — грапхо — ёзаман). Маҳфий хат турларидан бири (шифр кўллашга асосланган ёзув тури).

**КРИПТОЛОГИЯ.** Маҳфий тиллар, уларни тузиш қонуниятларини, ўқиб тушунтириб бериш усулларини ўрганувчи фан.

**ЛАТИНИЗМ.** (*лат.latinus* — лотинча). 1. Лотин тилидан ўзлашган, лекин ёт экани сезилиб турадиган сўз ёки ибора. 2. Умуман лотин тилидан ўзлашган сўз ёки ибора.

**ЛАҲЖА.** Маҳаллий диалектнинг бир неча шевадан иборат гурухи. *Қиёс. Шева.*

**ЛЕКСИКОГРАФИЯ.** (*юн. lexikos* — лугат грапхо — ёзаман). қ. **Лугатшунослик.**

**Лугатчилик.**

**ЛЕКСИКОЛОГИЯ.** (*юн., lexikos* — лугатга оид, лугат ҳақидаги, логос таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг лугат таркибини ўрганувчи бўлими. Ўрганиш обьекти, васифаси нуқтаи назаридан лексикология уч турга бўлинди: 1) тарихий лексикология (қ); 2) тасвирий лексикология (қ); 3) қиёсий лексикология (қ);

**ЛИНГИВИСТИКА.** (*фран.linguistique<lot.* лингуа — тил) — *айн. Тилшунослик.*

**ЛИНГИВИСТИК ЛУГАТ.** Лугавий бирликларнинг маъноси, кўлланиши ва бошқа лингивистик хусусиятлари талқин этиладиган лугат. Мас., изоҳли лугатлар, имло лугатлари, таржима лугатлари, лингивистик лугатлардир. *Қиёс. Қомусий лугатлар.*

**ЛУГАТ. 1. айн.Лексика**

2. Лугавий бирликлар алифбо тартибида жойлаштирилган, турлича изоҳлар берилиб, китоб шаклига келтирилган тўплам. Лугатлар турли мақсадларда тузилади, шунга кўра унинг турлари ҳам кўп. Аввало лугатлар икки асосий турга бўлинади: 1) лингивистик лугат (қ); 2) қомусий лугат (қ);

**ЛУГАТЧИЛИК.** Лугат тузиш ишлари; лексикография: *Лугатчиликни ривожлантириши.*

**ЛУГАТШУНОСЛИК.** Тилшуносликнинг лугат тузиш ишларининг илмий-назарий масалалари билан шуғулланувчи бўлими лексикология.

**МАТЕМАТИК ЛУГАТ.** Тилшуносликнинг тилни тадқиқ этиш ва ўрганишда математик методларини ўрганувчи соҳаси.

**МАТН.** Ёнма ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст.

**МАХСУС ЛУГАТ.** Маълум соҳага, маълум қатламларга оид сўзлардан иборат лугат. Бундай лугатларнинг номида қай жиҳатдан чегараланганигини ёки қайси катламга қатга оидликни кўрсатувчи сўзлар бўлади. Мас., «Физика терминлари лугати», «Диалектологик лугат», «Фразеологик лугат» ва б.

**МАХФИЙ ТИЛ.** Алоҳида ижтимоий гурухларга хос, шу гурухга оид кишилар тушунадиган ва фойдаланадаиган тил.

**МАШИНА ТАРЖИМАСИ.** Матн (текст)ни берилган дастур асосида электрон машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга утириш.

**МЕЬЁР.** Тил бирликларини у ёки бу кўринишида жамият томонидан аниқланган, белгиланган ишлатиш имконият ва қонуниятлари. Қ. Адабий меъёр. Лексик меъёр. Морфологик меъёр. Синтактик меъёр. Орфопоеик меъёр. Фонетик меъёр. Сўз ясалиш меъёри.

**МОРФОЛОГИЯ.** (*юн. μορφή — шакл—logos—таълимот).*

1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади: *Ўзбек тили лексикологияси ва морфологияси.*

2. Тилнинг морфологик қурилиши: *Ўзбек тилининг лексикаси ва морфологияси.*

**НАТУРАЛИСТИК ОҚИМ.** Тилни табиий организм сифатида қаровчи лингивистик оқим.

**НАТУРАЛИСТЛАР.** Ҳалқаро ёрдамчи тилни табиий миллий тиллар асосида яратиш зарур де билувчи оқим.

**НУТҚ.** 1. Тилнинг амалиёт шакли, воқеаланиши сўзловчининг тил всталаридан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натажасида юзага келадиган ходиса.

2. Нутқнинг коммуникатсия мақсади ва шароитига қараб лексик ва грамматик воситалардан мувоғифини сайлаб ишлатиш билан характерланувчи тури: *Расмий нутқ. Сўзлашув нутқи. Қиёс. Тил.*

**НУТҚ МАДАНИЯТИ.** 1. Филология фанининг жамият тараққиётининг маълум даврида нутқдан фойдаланиш жараёнини ўрганиш, кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлган тилдан фойдаланиш қоидаларини илмий асосда белгилаш билан шуғулланадиган бўлими. 2. Нутқнинг миъёрийлигини, унинг маълум тарихий тараққиёт даврида шу тилда сўзлашувчи жамоа томонидан қуйиладиган талабларга мослиги; талаффуз, урғу, сўз қўллаш, сўз ясалиши, қилиш. Нутқнинг меъёрийлиги фикрининг аниқ, равшан ва соғлигини ҳам ўз ичига олади.

**ПАРАЛИНГВИСТИКА.** Тилшуносликнинг ўзаро алоқа-аралашувда имо-ишора, мимка, нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳаси.

**ПИКТОГРАФИК ЁЗУВ.** (лот. *pictus* — бўёқлар билан тасвирланган — *grapho* — ёзаман). Нутқ мазмуни расм, шартли тасвир тарзидаги график шакллар асосида ифодаланадиган ёзув.

**ПСИХОЛИНГВИСТИКА.** Тилшуносликнинг нутқ фаолияти, нутқ акти, нутқ мазмуни билан сўзловчининг мақсад нияти орасидаги алоқадорлиги нуқтаи назаридан ўрганувчи соҳаси. Психология билан лингвистиканинг синтези сифатида юзага келган бу соҳа нутқни идрок этиш, тилни эгаллаш каби масалаларни ўрганади.

**ПУРИЗМ.** (лот. *puris* — соғ). Тилнинг соғлигини сақлашга, чет тиллардан сўз ўзлаштиришга қарши чиқиш .

**РИТОРИКА.** (юн. *rhetorike*) Нотиклик санъати назарияси ва нотиклик санъати ҳакидаги фан.

**СЕМАНТИКА.** (фран. *semantique*< ун. *semantikos*—ифодаловчи). 1. Тил бирликларининг мазмун, маъно томони.

**СЕМАСИОЛОГИЯ.** (юн. *semasia*— ифодалаш—логос—тушунча, таълимот). Тил бирликларининг, биринчинавбатда, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа. Қиёс. **ОНОМОСИОЛОГИЯ**.

**СЕМИОТИКА** (юн. *semiotike*<*semion*—белги ). Турли-туман белгилар (рамзлар) тизимининг умумий ҳусусиятларини ўрганувчи фан.

**СИЛЛАБЛИК ЁЗУВ.** Фонологик бирлик бўлган бўғин.

**СИНГАРМОНЗМ.** (юн. *syn*—бирга—хармония — охангдошлиқ). Сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунашуви, гармонияси. Бу ҳодиса айрим туркӣ тиллар учун, ўзбек тилининг эса айрим шеваларга хос ҳусусиятидир.

Мас., ўзбек тилининг қипчоқ тип шеваларида учинчи эгалик аффиксининг **и, и, у** каби варианларга эга эканлиги сингармонизм белгисидир: *иии, ати, озу* (ўзи) каби.

**СИНТАКСИС.** (юн. *syntaxis* — тузиш). 1. Грамматиканинг ўзаро боғланиши нутқ қурилиши ўрганувчи, бўлими. Бу бўлим икки асосий қисмдан иборат: 1) сўз бирикмалари ҳакида таълимот қисми (сўз бирикмалари синтаксиси); 2) гап ҳакида таълимот қисми (гап синтаксиси). 2. Сўз туркумларининг нутқдаги вазифалари ҳакидаги таълимот ( феъл синтаксиси).

**СИНТЕТИК ТИЛЛАР.** (юн. *synthetikos* — биректирилган, қўшилган). Грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., рус ва немис тиллари синтетик тиллар жумласидандир. Қиёс. **Аналитик усул**.

**СИНХРОНИЯ.** (юн. *syn* — бирга — *chronos* — ваqt, уа'ни бир баатлилик). Айрим тил ҳодисаларининг, уахлитлигича тил тизимининг ма'лум бир тил ривожланиш босқичдаги ҳолатини лингвистик о'рганиш предмети сифатида shартли ажратиб олиш. Қиёс. **Диахронија**.

**СИСТЕМА.** (ун. *systema* — бир бутунлик, қисмлардан тузилган нарса) — q. **Тизим**.

**СОТСИОЛИНГВИСТИКА.** (лот. soti(etas) — жамият лингвистикаси). Тилшуносликнинг тилнинг ижтимоий яшаши ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси. Сотсиология ва лингвистика синтезидан иборат бу соҳа тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси; нолисомий таъсирда тил тараққиётидаги фаол жараёнлар; радио, телевидение, кино кабиларнинг тилнинг оғзаки ва ёзма шакли ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, тил сиёсати юргазишнинг вазифа ва шакллари; кенг халқ оммаси нутқ маданиятини кўтариш каби муоммолар билан шуғулланиди.

**СТУРУКТУРАЛИЗМ** (лот. structure - тузилиш, қурилиш). Тилшуносликда тил компонентларининг ички муносабатларини, ўзаро боғлиқлигини, тилнинг тузилиш томонини ёритиш асосий мақсад қилиб кўйилган йўналиш. Структуализмнинг асосий йўнилишлари қудагилар: 1) Прага лингвистик мактаби; 2) Америка Структуализми; 3) Копенгаген мактаби; 4) Лондон лингвистик мактаби.

**СТУРКТУРАЛ ЛИНГВИСТИКА** 1. Структуализм; 2. Тилшуносликнинг ўз текшириш предметини тил тизимидағи ички муносабатлар ва алоқалар билан чегараловчи, тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан алоқаси каби масалаларни чеклаб ўтувчи соҳаси.

**СУБСТРАТ** (лот. sub — ost + stratum — қатлам). Тилларнинг чатишиши натижасида мағлуб тилнинг ғолиб тилда қолдирган излари.

**СУНИЙ ТИЛ.** Табиий (бор бўлган) тиллар унсурларадан ҳалқаро алоқа учун ёрдамчи восита сифатида яратиладиган тил: эсперанто (к.), интерлинга (к.), идо(к.), ва б.

**СУФФИКС** (лот. suffixus — қадалган, қоқилган). Сўзда унинг охирига қўшиладиган аффикс. *Қиёс. Префикс. Инфикс. К. Аффикс.*

**СЎЗ.** Лексиманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқелантган кўриниши. Ўз товуш қобиғига эга бўлган, обектив нарса-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик мано ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги.

**ТАБИИЙ ТИЛ.** Ҳақиқий манодаги, яни фикр алишув қуроли сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган тил. *К. Сунний тил.*

**ТАВТОЛОГИЯ.** (юн. tautologia<tauto— айнан ўша + логос — сўз). Бир фикр(мазмун)ни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ифодалаш, сўзни ортиқча ишлатиш. Мас., *гапирмоқ* ўрнида *ган гапирмоқ*, *тепмоқ* ўрнида *оёқ билан тепмоқ* деб қўллаш тафтология ҳисобланади, чунки *ган*, *оёқ билан* қисмлари янги информатсия бемайди (*гапирмоқ*, *тепмоқ* сўзларидаги информатсияни тақоррлайди)

**ТАРЖИМА ЛУҒАТИ.** Бир тилнинг (таржима қилинаётган тилнинг) луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан эквиваленти бериладиган, ўзга тилнинг луғавий бирлиги таржима этиладиган луғат. Бундай луғатлар икки тилли ёки кўп тилли бўлиши мумкин: *русча-ўзбекча лугат, инглизча-русча-ўзбекча лугат* ва б.

**ТАРИХИЙ ГРАММАТИКА.** Грамматик ҳодисаларни (сўз шакли, сўз бирикмаси ва гапларни ) турли тарихий босқичлардаги тараққиёти бўйича (диахроник ) қиёслаб ўрганувчи грамматика.

**ТАРИХИЙ ДИАЛЕКТОЛОГИЯ.** Диалектга хос ҳодиса вахусусиятларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, турли давларда ўзгариши ва бу хусусиятларнинг ташкил топишида бошқа тилларнинг иштироки каби масалалар билан шуғулланадиган диалектология.

**ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯ.** Тилнинг луғат таркибини тарихий тараққиётида (диахроник планда) ўрганувчи лексикология.

**ТАРИХИЙ МОРФЕМА.** Ҳозирги тилда маъносини йўқотган (тил бирлиги сифатида йўқ), тарихан маъноли бўлган морфема. Мас., *ялпоқ*, *яйлов* каби сўзларнинг ял-, яй- қисми тарихан луғавий маъноли морфема бўлган.

**ТАРИХИЙ ФОНЕТИКА.** Тилнинг товуш томонини тарихий тараққиётда (диахроник планда) ўрганувчи фонетика.

**ТЕЗАУРУС.** (юн. thezauros-хазина). Тилга оид лексик таркибини тўла ҳажимда акс эттирувчи луғат.

**ТЕКСТ.** (лот. textus-боғланиш, қўшилиш)- қ., матн.

**ТЕРМИН.** (лот. *Terminus*- чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳга оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмотсионалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Mac., лингвистик терминлар: *gap*, эга, от, сон, товуши...; геометрияга оид терминлар: *айлана*, учбуручак,...; физикага оид терминлар: *жисм*, *босим*, *ҳаракат*, *майдон*... ; кимёга оид терминлар: *сув*, *кумуши*, *ишқор*, *тузлар* ва б.

**ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТ.** Маълум бир соҳага оид сўз ва терминларни қайд етuvчи луғат. (Mac., X. Ю. Бекмуҳаммедининг 1978 йилда нашр этилган << Тарих терминлари луғати>>).

**ТЕРМИНОЛОГИЯ** (термин+*logos*-сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мавжуд. Mac., грамматик терминология, санъат терминологияси ва б.

**ТИЗИМ.** 1. Ўзаро муносабатлар билан боғланган, бир бутун бўлиб уюшган тил унсурлари мажмуи: *Тил тизими. Сўз ясалии тизими*.

**ТИЛ.** 1. Нутқ ташкил этиб, фикр, хис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қиласидиган фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими; кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа-аралашуви, викирлашув қуроли бўлиб хизмат қиласидиган ижтимоий ҳодиса.

**ТИЛЛАРНИНГ ГЕНЕАЛОГИК ТАСНИФИ-** қ . **Тилларнинг шажаравий таснифи .**

**ТИЛЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАСНИФИ.** Тилларни грамматик шакл ҳосил қилиш усулларида фарқ қилишга кўра гурухларга ажратиш. Бу таснифга кўра тилларнинг қуидаги турлари ажратилади. 1) аформ тиллар (қ..); 2) агглютинатив тиллар (қ..); 3) флексив тиллар (қ..); 4) полисинтетик тиллар (қ.). Яна (қ.). **Аналитик тиллар**, **Синтетик тиллар**.

**ТИЛЛАРНИНГ ШАЖАРАВИЙ ТАСНИФИ.** Тилларни келиб чиқиш манбасига, умумийлигига кўра гурухларга адратиш. Бундай умумий манбадан келиб чиқан тилларнинг катта гурухлари қариндош тиллар оиласини ташкил этади. Mac., ҳинд-европа тиллари оиласи, мўғул тиллар оиласи, туркий тиллар оиласи ва б.

**ТИЛ САТҲЛАРИ.** Тилни текшириш жараёнида, уни таҳдил этишнинг турли усулларида белгиланадиган қатламлари (қаторлари). Тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонологик, морфологик, синтактик ва лексик сатҳлар фарқланади.

**ТИЛШУНОСЛИК.** Тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи ҳақидаги; муайян тилларнинг иш кўриш (фаолият) қонунлари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва ш.к.га тилшуносликнинг бир неча йўналишлари (соҳалари) бор: умумийтилшунослик(қ..);амалийтилшунослик(қ..)-;хусусийтилшунослик(қ..);структураллингвистика(қ..);математиклингвистика(қ..);ваб.

**ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ.** Умумий тилшуносликнинг тил ҳақида дастлабки маълумот берувчи, тилшуносликнинг асосий қисимларини ва хусусий тилшуносликда ўрганиладиган масалаларни ўзлаштириш учун назарий асос берадиган қисми.

**ТИПОЛОГИЯ** (юн. *typos* - из, шакл, намуна + *logos* – таълимот). Тилшуносликнинг тилларни типологик тасниф қилиш принсипи ва усулларини ўрганувчи бўлими.